

ИЖТИМОЙ ҲАЁТ

БУТУН ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ЯКУНИ КЎП ЖИХАТДАН АГРАР СЕКТОРНИ ҚАНЧАЛИК КЕНГ ҚАМРАБ ОЛИШИГА БОҒЛИҚ БЎЛАДИ

Ўзбек фермери ўзлигини намоён этди

ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР ҲЎЖАЛИКЛАРИ УЮШМАСИНИНГ РАИСИ СОҲИБЖОН ҚОБИЛОВ БИЛАН МУЛОКОТ



Малоҳат ЙЎЛДОШЕВА

— Мана, икки йилдирки, деконларимиз мўлақатли ҳосилни ёғин-сочини қўнларга қолдирмай, ортиқча қийинчиликларсиз йиғиб-териб олишга улгурмоқдалар. Бунинг асосий омиллима, деб ўйлайсиз?

— Ҳақиқатан ҳам 2005-2006 йиллар қишлоқ ҳўжалигида том маънода бурилиш йиллари бўлди. Бу тармоқда олиб борилаётган изчил ва самарали ислохотлар натижасидир.

— Ўшбу муваффақиятга фермерлар қай даражада ҳисса қўдилар?

— Юртбошимиз табригида тилга олингандек тайёрланган пахта ҳосилининг 85 фоизи ерининг ҳақиқий ағалирига айлиниб бораётган фермер ҳўжаликлари томонидан етиштирилганининг ўзи улар улусининг салмоғини кўрсатиб турибди.

Айни пайтда мамлакатда жами 185 минг 492 та фермер ҳўжалиги фаолият юритапти. Шу йилнинг ўзидангина 660 та ширкат ҳўжалиги негизда яна 74 минг 24 та фермер ҳўжалиги ташкил этилди. Бевоқиф пахтачилик билан шўғулланадиган 85 мингдан зиёд фермер ҳўжалиги томонидан 3 млн. 79 минг тонналик хирмон уюлди. Етиштирилган ҳосилнинг 80 фоизи, Бухоро, Тошкент, Жиззах вилоятларида эса 90-95 фоизи биринчи навларга қабул қилинди. Бу эса фер-

мерларимизнинг пахтадан олган даромади ҳар қачонгидан юқори бўлишини кўрсатади. Шу ўринда пахта хирмонининг бунёд этилишига, айниқса Бухоро, Жиззах, Қашқадарё ва Қорақалпоғистон Республикаси фермерлари катта ҳисса қўшганларини, Бухоро, Вобкент, Ромитан, Қоровулбозор, Эллиқкаля, Тахтақўпри, Мўйноқ, Арнасой, Пахтакор, Дўстлик, Миришкор, Нишон, Касби, Яққабог туманларида эса фермерларнинг пахта сотишдаги ҳиссаси 100 фоизни ташкил этганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ғузур туманидаги "Шаймардон ота Ғўлат ўли" фермер ҳўжалигида гектаридан 30 ўрнига 55 центнердан ҳосил олиниб, шартномавий режа 185 фоизга бажарилди. Унлаб фермерлик ҳўжаликларида бу кўрсаткич 120-150 фоизни ташкил этди.

— Бу ютуқларга ўз-ўзидан эришилди, албатта. Фермер ҳўжаликларида хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини қандай баҳолаган бўлардингиз?

— Албатта, биргина фермерларнинг ҳаракати билан бундай натижага эришиб бўлмасди. Йил давомида уларга 975 та минибанк, 1534 та муқобил МТП, 882 та минерал ўғит ва 1117 та ёнилғи сотиш шохоб-

чалари хизмат кўрсатди. 1301 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси пахтакорларга камарбаста бўлди. Мавжуд 270 та ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати кўрсатиш шохобчасида қишлоқ мулкдорларига зарур маълумотлар етказиб турилди. 2007 йилда эса яна 350 дан ортиқ ширкат ҳўжаликлари негизда 30-35 мингдан ортиқ фермер ҳўжаликларини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Бу эса хизмат кўрсатиш инфратузилмалари сонини мутаносиб равишда кўпайтиришни тақозо этади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакики, бу йил ҳукуматимиз сайёҳаракати ва яқиндан кўрсатилган қўмак туҳўжалигида гектаридан 30 ўрнига 55 центнердан ҳосил олиниб, шартномавий режа 185 фоизга бажарилди. Унлаб фермерлик ҳўжаликларида бу кўрсаткич 120-150 фоизни ташкил этди.

— Кеча Тошкентда яқиндан 11 халқаро Ўзбек пахта ярмаркасининг юртимиз фермерлари учун аҳамияти нечоғли бўлди?

— Президентимиз ташаббуси билан иккинчи мартабада ўтказилган халқаро ярмарканинг юртимиз пахтачилиги ривожида беихоро катта роль ўйнаши шак-шўбҳасиздир. Унда дунёнинг 32 мамлақати-

даги 220 та фирма ва компаниядан 400 нафардан ортиқ вакил қатнашди. Ярмаркани ташкил қилишдан мақсад эса Ўзбек пахта толасини воситачиларсиз, яъни ошқора сотишча эришишдир. Бу эса фермерларимизга етиштирилган пахта ҳосилини тезроқ биринчи қўлдан сотиш ва мўмай даромад олиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ ҳўжалиги учун мини-технологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ташкил қилиш тўғрисида"ги қарори ҳам қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчилари, фермерларга катта имконият ва энгилликлар яратади. 21 октябрь кўни Тошкентда иш бошлайдиган ўшбу халқаро кўргазмада ҳам 32 мамлақатнинг 152 та компанияси 100 дан ортиқ мини-технология ва ихчам ускуналарни намойиш этади. Анжуманга барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан 2000 нафардан зиёд фермер таклиф этилган.

— Уюшма фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш учун яна қандай ишларни амалга ошираётиз?

— Фермер ҳўжаликларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлаш, ер ре-

сурсларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўядиган ҳуқуқий шароит ва кафолатларни яратиш асосий вазифамиздир. Бунинг учун, энг аввало, фермерларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга эътибор қаратаёلمиз. Уларни қишлоқ ҳўжалигига оид қўнлар ва ҳукумат қарорлари, хизматлар, имтиёزلардан хабардор қилиш, ҳўжаликни бошқариш, иш юритиш, меҳнат унмдорлигини ошириш, банк хизматларидан фойдаланиш борасидаги тажриба ва малакаларини янада ошириш мақсадида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси билан ҳамкорликда бевосита ҳўжаликларнинг ўзиде тегишли ташкилотлар мутахассислари широкда интерфаол услубларни қўлланган ҳолда доимий семинарлар ўтказаялмиз. Фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш учун жаҳондаги илғор тажрибаларни ўрганиш ҳам олдимизда турган энг муҳим вазифалардан биридир. Шу боис жорий йилда бир гуруҳ фермерларимизни Франция, Туркия, Исроил, Миср каби давлатларга тажриба алмашиш учун юбордик. Келаси йилда уюшма аъзоларини Япония, Миср ва Европанинг бир неча мамлақатларида юборишни режалаштирганмиз. Шунингдек, 2007 йилдан фермерлар учун ихтисослашган нарш чиқариш ниятимиз ҳам бор. Фермерларимиз эришяётган муваффақиятлар фақат соҳа тараққиётига хизмат қилибгина қолмай, балки қишлоқ инфратузилмасини тубдан ўзгартиришни ҳам шўбҳасиздир. Давлатимиз раҳбари, ҳукуматимиз фермерлик ҳаракатига юксак даражада аҳамият бериб, қишлоқ мулкдорларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганини фермерларимиз кўндалик фаолиятларида яроқдан ҳис этиб турибдилар. Ана шу эътиборга яраша ҳалол меҳнат қилиб, билдирилган катта ишонччи ша-раф билан адо этишлари шак-шўбҳасиздир.

Дорилонимон қўнларнинг қадрига етайлик

Давоми. Бошланғич 1-саҳифада.

■ Аъзам ҚОДИРОВ
тайёрлади

— Мен Андижон туманининг Ҳакан қишлоғида яшайман. «Форд» машинасини ижарага олганман. Шаҳардаги «Оқ йўл» ҳамда шаҳарлараро йўналишдаги «Дон» уюшмаларига аъзо бўлганман. Вилоят марказидаги шохбекатларда тартиб-интизом йўқлигини нафақат хайдовчилар, балки йўловчилар ҳам озор чекишар эди. Айниқса, «Жаҳон бозори», «Янги бозор» худудларида юриш қийинлашиб кетганди. Навбатдан ташқари сессиядан кейинок барча автобекатларда тартиб ўрнатилганлигини кўриб, жуда хурсанд бўлдим. АЕҚШ шохбечаларидаги аҳвол ҳам жиддий ўрганилиб, бензинфурушликка ҳам чек қўйилса, айни мудоаа бўларди.

Избоскан туманидаги 22-умумтаълим мактаби директори, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Ш. Зўҳридинов сессиядан олган таассуротлари ҳақида тўхталаркан, жумладан, қўйидагиларни таъкидлади:

— Бир неча кўндирки, андижонликлар Президентимизнинг қўнчалик билан айтган адолатли мулоҳазалари таъсирида яшамоқдалар. Андижон замини ташаббускор ва ишбилармон кишилари билан азалдан донг таратган. Вилоятимизда мактаб таълимини ривожлантириш умумийлиги дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар, ёшларимизнинг билим ва ҳўнар эгаллашлари учун яратилаётган кенг имкониятлар ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Бу, албатта, зиммамизга катта масъулият юклайди.

Фарзандларимизни тўғри йўлга бошлаш, уларни турли ёт оқимлар таъсиридан ҳўмон қилиш, баркамол воёга етишлари учун ғамхўрлик кўрсатиш энг муҳим вазифаларимиздир.

— Бу қадимий заминда кўпни кўрган, ўзига, ўзининг кўчи ва салоҳиятига ишонган, меҳнатқаш, орномусли одамлар яшайди». Президентимизнинг сессия минбаридан туриб айтган ана шу сўзлари биз — андижонликлар қалбига гурур ва ифтихор туйғуларини бахш этди. — Ўз фикрини баён қилади Пахтабод туманидаги «Юкори» маҳалла фуқаролар йиғинининг Манавиати ва маърифат ишлари бўйича маслаҳатчиси Фаридхон Араббоева. — Мен маориф тизимида меҳнат қилиб, нафақага чиққанман. Маҳалла фаоли сифатида бир нарсани айтишни мўкин: бугун давр ҳам, талаб ҳам бошқа. Андижоннинг шўҳратини тиклашни эҳсос қиламан. Бу эса ҳар биримиздан алоҳида ғайрат ва ташаббускорлик билан иш юритишни тақозо этади. Шўҳр, бағримиз бут, осмонимиз тинч. Ана шу дорилонимон қўнларнинг қадрига етайлик, азизлар!

18 октябрь — Самарқанд шаҳри кўни

Кўҳна ва навқирон шаҳар байрами

Самарқандликлар ҳар йили 18 октябрни ўзгача тарадуд билан қарши оладилар. Бу сафар ҳам фойтулардаги карнай-сурнайлар шаҳар бўйлаб жар солиб, ҳаммани шодийнага чорлади. Шаҳар аҳли эрта тонгданок Гўр Амир мақбарасига йиғилиб, Курьон отларидан тиловат қилди. Шу тонг самарқандлик ёшў қари, ишчию раҳбар Амир Темур ҳайкали пойига гулдасталар қўйди.

■ Ўз мухбиримиз

Шундан сўнг "Ёшлар маркази" биносиде Самарқанд шаҳри кўнига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Маросимда Самарқанд шаҳар ҳўқими, Олий Махлис Сенати аъзоси С. Рафиқов сўзга чиқиб, йиғилганларни байрам билан қизғин қўглади.

Маълумки, Президентимиз томонидан бундан 10 йил олдин 18 октябр "Самарқанд кўни" деб эълон қилиниб, шаҳар Амир Темур ордини билан тақдирланган эди. Шундан бўён самарқандликлар 18 октябрни фаҳр ва ифтихор билан байрам сифатида нишонлаб келмоқдалар.

Байрам тантаналарида шаҳар ҳаёти ва ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган энг яхши олим, шифокор, ўқитувчи, қурувчи каби турли касб эгалари шаҳар ҳўқимлигининг махсус совғалари ва фаҳрий ёрликлари билан тақдирланди. Барча ташкилот ва корхоналарда, таълим-тарбия муассасаларида Самарқанд кўнига бағишланган байрам шодийналари кенгча давом этди.

Самарқанд шаҳрининг марказий истироҳат боғида, Ҳамид Олимжон номидаги мўсақали ва драма театрида, "Самарқанд", "Шарқ юлдузи" кинотеатрларида бепул концерт дастурлари, кинофильмлар намойиш қилинди.

Регистон майдонида хусусий меҳмонхона ва йирик савдо мажмуасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Шаҳардаги "Истиқлол", "Парвина", "Каримбек" базмгоҳларида Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун байрам дастурхонлари ёзилди.

Шаҳар аҳли айни чоқда бундан-да каттароқ байрам — Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини кенг нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Шу муносабат билан бу ерда меҳмонларга янада яхшироқ хизмат кўрсатиш, келгусида Самарқандни туризм шаҳрига айлантириш учун катта ишлар амалга оширилмоқда.

МУСОҲАБА

ТАДРИК

ННТлар
ФАОЛИЯТИ

Ғаллакорлар уруғ сепмоқда

«Шўрчидонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятида қарийб етти минг тонна сифатли уруғлик дон тайёрланиб, Сурхон воҳаси ғаллакорларига етказиб берилди.

■ Х.МАМАТРАЙМОВ,
ЎзА мухбири

Уруғлик дон янги цехда замонавий технология асосида тайёрланаётгани боис 250

миллион сўмдан зиёд маблағ тежаб қолинди: ортиқча транспорт харажатларига барҳам берилди ва маҳсулот таннархи анча арзонлашди. Сурхондарё вилоят қишлоқ ва сув ҳўжали-

ги бошқармасидан олинган маълумотга кўра, айни пайтда ғалла етиштириш учун ажратилган майдонларда қузғи дон экиш ишлари қизғин паллага кирди. Келгуси йил ҳосили учун 95 минг гектар майдонга «Крошк», «Полаванча», «Чиллаки», «Кроснодар-99» навли сөрхосил ва тезпишар уруғлар сепилмоқда.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгашининг Ёшлар билан ишлаш бўлими жорий йилда ёшлар ўртасида ўнлаб тадбирларни ташкил этди.

Бахтли келажакни баркамол авлод яратади

■ Сайфулла ИКРОМОВ, "XXI asr" мухбири

Бу борада "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши билан ҳамкорлик пухта йўлга қўйилганлиги ижобий самара бераётир. Жумладан, "Сиз ҳуқуқингизни биласизми", "Ёш тадбиркорларга маддақоримиз", "Биз — Ўзбекистон фарзандларимиз" каби 30 дан ортиқ урчашув ва мулоқотлар ёшларимизни турли ёт оқим ва ҳаракатлар таъсиридан сақлаш, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, касб-ҳўнарга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган ёшларнинг орзу-ўйларини, қизиқишларини ва муаммоларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилапти. Партиянинг дастурий мақсадларини тарғиб қилиш, ёшларнинг билим ва қобилиятларини озод юрт раванқи, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, халқимиз фаровонлиги, тинчлик ва осойишталикни сақлашдек эзгу ишларга даъват этиш долзарб вазифалардан саналади. Шуни эътиборга олган ҳолда партия дастурида белгиланган ёшлар сиёсатини амалга ошириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида турли урчашув, мулоқот ва кўрик-танловлар ўтказилапти.

Қарши туманида бўлиб ўтган "Миллатнинг эртаси ёшлар кўлида" деб номланган тадбирда мактабларнинг 150 нафар ўқитувчи ва ўқувчилари қатнашдилар. Унда партия вилоят кенгаши Сиёсий таълим маркази директори Дилором Азизова, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси Шарофат Ашурова, Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Отабек Усмонов, Зулфия номидаги Давлат муқофоти совриндори Хуршида Холиқовалар сўзга чиқиб, ёшларимизни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирок этишга, ўз билим ва қобилиятларини юрт раванқи ва миллат фаровонлиги йўлидаги улўвдор ишларга сарфлашга даъват этдилар.

Кўрик-танлов ғолиблари

"Бухоро музей-кўриқхонасининг дўстлари" нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан "Қорақўл шаҳрида туризмни ривожлантириш" шиори остида ўтказилган кўрик-танловда асосан қишлоқ фуқаролар йиғинлари вакиллари, хусусий фирмаларнинг раҳбарлари, Бухородаги туризм коллежи ўқитувчилари қатнашдилар. Улар ўзлари томонидан тўзилган бир қатор маданий дастурларни танлов ҳайъатига ҳавола этишди.

■ Асхор ИСТАМОВ,
"XXI asr" мухбири

Тадбирдан қўзланган асосий мақсад хусусий ва жамоат сектори ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, минтақага сайёҳларни кўпроқ жалб этиш, маданий муассасалари ҳодимлари, маҳаллий ҳўнармандлар ва тадбиркорларнинг бу борадаги иштирокини янада кенгайтиришдан иборат эди. Беллашув натижаларига кўра "Қорақўлнинг маданий меросини омалаштириш" номинацияси

бўйича фаҳрли I ўрин ўзбекона миллий урф-одатлардан бири — "Бешик тўйи" дастурини моҳирона намойиш этган "Тайқир" кишлоқ фуқаролар йиғини жаҳон маосига берилди. Шарқона тўй маросимининг саҳнавий талқини учун "Тинчлик" қишлоқ фуқаролар йиғини вакиллари иккинчи, лапар ва қўшиқларни журавозликда қўйлаб, томошадан бинлар эътиборини қозонган "Пахтакор" маҳалла фуқаролар йиғини жамоаси учинчи ўринга лойик, деб топилди. Кўрик-танлов давомида ма-

АКС-САДО

САНА

КУЧ - қудратимизга
шубҳангиз бўлса, биз
қурган биноларга боқинг

ЖАРАЁН

Ер юзининг сайқали

О'ZLIDEP ФАОЛИ, ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ АЪЗОСИ, САМАРҚАНД ШАҲАР
ҲОКИМИ СУҲРОБ РАФИҚОВ БИЛАН МУЛОҚОТ

КЕЧА САМАРҚАНД КУНИ НИШОНЛАНДИ

Сухбатдош:
Абдусами ҚУЗИБОВ,
О'zLiDeP вилоят кенгаши
мафкура бўлими
бошлиғи

— Сухроб Абдуғафорович, маълумки, 1996 йил 18 октябрь куни Самарқанд шаҳрида буюқ давлат арбоби ва соҳибқирон Амир Темури хайқалининг тантанали очилиш маросимида Юртбошимиз шаҳар байроғига мамлакатимизнинг энг нуфузли мукофоти — биринчи ракамли Амир Темури орденини қалаб, бунидан кейин ҳар йили 18 октябрни «Самарқанд куни» сифатида нишонлашни тақдир этганликлар. Шунга ҳам мана, ронца-росса 10 йил бўлибди. Утган йиллар давомида соҳибқирон хотирасини абадийлаштириш, умуман олганда, шаҳарни ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш борасида қандай ишлар қилинди?

— Чиндан ҳам, бу йил — Самарқанд ва самарқандликлар учун алоҳида йил. Сабаби — Президентимиз тақлиби билан «Самарқанд куни» сифатида нишонланаётганига 10 йил тўлди, азим шаҳарнинг 2750 йиллик юбилейини нишонлаш бўйича давлатимиз раҳбарининг қарори эълон қилинди. Бундан ташқари, вилоятимиз пахтакорлари ана шу сана арафасида давлат пахта сотиш шартномавий режаларини бажардилар.

Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов ҳар гал Самарқандга ташриф буюрганларида, шаҳар қиёфаси қандай бўлиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратадилар, бу борада қимматли маслаҳатлар берадилар.

Шу асосда Самарқанд шаҳрини ривожлантиришнинг 2025 йилгача бўлган бош режаси ишлаб чиқилди ва уни амалга ошириш бўйича ишлар жадал олиб борилаётти. Жумладан, Регистон майдони ва унга туташ худудлар қиёфаси бутунлай ўзгарди. Бу ердаги кўримсиз савдо шохобчалари ва икки қаватли ресторани ўрни давр руҳига мос равишда ободонлаштирилди. Меҳмонхоналар ҳамда хоризлик сайёҳлар учун қулайлик яратиш мақсадида автомашиналар тўхтайдиган майдонча барпо этилди. «Чорсу» тарихий биноси шарқона анъаналарга монанд қилиб қайта таъмирланиб, унда расмлар галереяси очилди.

Қадимий Регистоннинг бу-

гунги қиёфаси бутунлай ўзгаради. Ён-атроф пасткам бинолардан халос этилди. Улуғбек, Тиллақори, Шердор медресалари жозибасига эса яна янги жозибга қўшилди.

«Чорсу» ва медресалар атрофида кўккаламзорлаштирилган майдончалар, шинам йўлакчалар, гулзорлар ташкил этилди. Тартиб билан игна баргли дархатлар экилди. Регистон манзарасига гўзаллик, файзу тароват бахш этиш мақсадида ажиб фавворалар, тунда ёритиш учун замонавий чироқлар ўрнатилди.

Регистондан Шохи Зинда меъморий ёдгорлиги, Мотуридий зиёратгоҳига булган масофаларда ҳам айнан шундай ўзгаришлар қилинди. «Сиеб» бозори ёнидаги «Кечки» буюм бозори, «Шарқ» меҳмонхонаси ва яна бир қанча савдо шохобчаларининг бутунлай олиб ташланиши тарихий обидаларнинг уйғунлашиб, бир бутун манзара кашф этишини таъминлади.

Регистон, Ғури Амир макбараси, Мотуридий зиёратгоҳи, Жомъе масжиди, Бибиқоним ва Шохи Зинда ёдгорликлари билан Улуғбек расадхонасини туташтирувчи йўл қурилиши зиёратчилар ва хоризкий сайёҳлар учун қулайлик яратди. Ҳазрати Хизр масжиди тўлиқ таъмирланди ва оралиқда хиёбон очилиб, ободонлаштирилди.


Бир сўз билан айтганда, ер юзининг сайқали бўлмиш Самарқанд шаҳрининг ҳар бир гўшасида ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш ишлари, барча соҳаларда ривожланиш ва ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда.

— Амир Темури ҳаёти ва фаолияти бевосита Самарқанд билан боғлиқ. Ушбу уйғунлик ҳақида қандай фикрларингиз?

— Соҳибқирон бобомиз пойтахт қилган мангу шаҳар — Самарқанднинг Кўксаройи, муҳташам масжидлари, Регистон майдони, боғлари ва кўплаб иморатлари — барча-барчаси ғайрат ва ҳавас тимсоли бўлиб қолган.

Бобурномада: «Бурун Темури бекдан улуг подшоҳ Самарқандни пойтахт қилган эмасдур. Темури бекнинг ва Улуғбек Мирзоининг иморати ва боғоти-боғлари Самарқанд маҳалло-тида кўлдир» деган сатрлар бор.

Самарқанд шаҳри, унинг атрофида Амир Темури бобомиз номи билан боғлиқ — Боғи Шамол, Боғи Дилқушо, Боғи Нақши Жаҳон, Боғи Баланд, Боғи Эрам, Боғи Майдон каби сўлим оромгоҳлар бўлиб, улар ҳақда уша давр сайёҳларининг ёзувларида, айниқса, испан элчиси Клавихо биткиларида кўп таърифу тавсиф берилди.



Самарқанд ўтмиш билан хозирги замонни ўзида мужасам этган жаҳонга машҳур ва маълум шарқона қиёфадаги гўзал, кўркам шаҳри азимдир. Агар муболага бўлмаса, қадим тарихнинг янги замон билан туташиб, уйғунлашиб кетган бунақа ифодаси дунёнинг бирон қиёфасида бўлмаса керак. «Самарқанд сайқали рўйи замин аст» — бу абадул-абад муҳрланиб қолган тарих ҳақиқатидир.

— Шу йил 25 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан қандай ишлар амалга оширилди?

— Юқорида таъкидланганидек, 1996 йили Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги юбилейида республикамиз Президентининг «Самарқанд куни» сифатида нишонлашни тақдир этган эдилар. Орадан 10 йил ўтиб, Юртбошимиз «Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» қарор чиқардилар. Унинг биринчи банди: «ЮНЕСКО бош конференциясининг 2005 йил 20 октябрдаги 33-сессиясида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлаш ва унда ЮНЕСКОнинг иштироки этиши ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинсин», деб бошланади. Бу ҳам Самарқанднинг жаҳонда тутган ўрнининг нечоғли аҳамиятли эканлигини далолатладир. Энди бевосита юбилейга тайёргарлик ишларига келсак, Самарқанд давлат уни-

верситетда юбилей илмий кенгаши штаби, шаҳар ҳокимлигида эса ташкилий штаб тузилди. «Самарқанд» газетаси билан биргаликда интернетда алоҳида сайт очилди. Унда илмий кенгаш томонидан кўриб чиқилган мақола ва ахборотлар ўзбек, рус, инглиз, француз ва немис тилларида берилди.

Юбилей тантаналари Мустақиллик байрами ва «Шарқ тароналари» 6-Халқаро мусиқа фестивали билан уйғунлашган ҳолда ўтказилиши боис анжуманга дунёнинг кўплаб мамлакатларидан меҳмонлар келиши кутилмоқда. Шунинг учун дастурда шаҳарнинг Беруний ва «Даҳаб» кўчаларида қўшимча иккита хусусий меҳмонхона қурилиши ҳам киритилган. Хамид Олимжон номли вилоят мусиқали драма театрида «Буюк Темури» спектакли сахналаштирилди, маҳаллалар ва меҳнат жамоаларида «Ер юзининг сайқали» мавзуда мулоқот ва бадиий кечалар, юбилей арафасида эса «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» шиори остида ёшлар фестивали ташкил этилди.

— Халқимиз яқинда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигини кенг нишонлади. Ҳам ҳоким, ҳам сенатор сифатида мана шу 15 йил ичида рўй берган тўб ўзгаришлар ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз...

— Мамлакат ва халқ олдида турган асосий вазифаларни теран англаш, улар моҳиятининг қонуналаримизда ифода этилишига ҳисса қўшиш учун катта ҳаётий тажрибага эга бўлиш керак. Албатта, бунинг учун тинимсиз изланиш, билим ва малакани муттасил ошириб

бориш талаб этилади.

Тарих учун жуда қисқа бўлган 15 йил ичида Юртбошимиз раҳнамолигида янги Ўзбекистон давлати ташкил топди ва жаҳон сахнасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Ун беш йилдирки, шу кутлуг, ҳам шарафли, ҳам машаққатли йўлда дадил қадам ташлаб бораёғимиз. Таъбир жоиз бўлса, жуда оғир, масъулиятли, аммо ҳаёт қадар азиз юкни елкалаган катта қарвон йўлга чиққанига 15 йил тўлди. Бу улуг йўлда қийинчиликлар ҳам, муаммолар ҳам учраши табиий. Аммо мустақиллигимизни қура олмайётган ганимлар бизни ўз танлаган йўлимиздан, эзгу мақсадларимиздан асло қайтара олмайдилар.

Утган давр мобайнида ҳалқимизнинг турмуш даражаси яхшиланиб, ҳаётимиз кун сайин фаровонлашиб бормоқда. Бебаҳо маънавий меросимизни тиклаш ва одамларни ундан баҳраманд қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Истиклол йилларида қандадан-қанча буюқ ажодларимизнинг хотираси тикланди. Уларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ табарук жойлар обод этилди. Бухоро, Хива, Шахрисабз, Термиз каби қадимий шаҳарларимиз, «Авесто», «Алпомиш» сингари буюқ асарларимизнинг юбилейлари кенг нишонланди.

Хоразм Маъмур академиясининг 1000, Қарши шаҳрининг 2700 ва Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйларига ҳозирлик қўриляпти.

Бошқача айтганда, мустақил йилларида амалга оширилган улкан ишлар кўламини санаб саногоғига етиши қийин, деб ўйлайман.

ШАРҲЛАР

ДАЛИЛЛАР,

ВОКЕАЛАР,



Муаммолар ечими баҳамжиҳатликда изланди

Тошкент шаҳри. О'zLiDePнинг Сергели туман кенгаши мажлислар залида партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши ҳузуридаги Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази ва партия туман кенгаши биргаликда тадбиркор ва ишбилармонлар билан давра суҳбати ўтказилди. Унда экспертлар, туман давлат солиқ инспекцияси, банклар ва Савдо-саноат палатаси Сергели туман бўлимининг масъул ходимлари иштирок этишди.

Қизгин баҳс-мунозаралар тарзида кечган давра суҳбатида тадбиркорлар бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш шароитида ўз фаолиятлари давомида тез-тез дуч келадиган банк, боҳжона, солиқ ва адлия идоралари билан боғлиқ масалаларга доир саволлар билан мутахассисларга муурожаат қилдилар. Кўтарилган муаммоларнинг барчаси бўйича ечим йўллари кўрсатиб берилди.

Йиғилишда партия сафларига қабул қилинганларга аъзолик гувоҳномалари тантанали равишда топширилди. Тадбир сўнггида камтаъминланган 10 та оилга туман партия кенгашининг совғалари топширилди.

«Олтин водий»да учрашув

Наманган. Партиянинг дастурий мақсадларидан бири ёшларни она-Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшишдан иборат. Бунга эришиш учун партиянинг «Ёшлар қаноти» томонидан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий-маърифий мавзуларда туркум тадбирлар ўтказилмоқда.

Яқинда ана шундай тадбирлардан бири партия вилоят кенгашининг Ёшлар билан ишлаш ва Аёллар билан ишлаш бўлимлари ҳамкорлигида Учқўрғон тумани «Олтин водий» ММТП худуди далаларида пахта тераётган Чортоқ тиббиёт коллежи ўқувчилари билан ўтказилди. Бу коллежнинг 1000 дан ортиқ талабаси миллий бойлигимиз бўлган «оқ олтин»ни ёғин-сочинли кўнларга қолдирмай, йиғиб-териб рўйида деҳқонларга яқиндан кўмаклашмоқдалар. Улар шу кунгача 1600 тоннадан зиёдрок пахта тердилар.

«Бу юрт — бизники, уни асраш бурчимиздир» шиори остида ўтган тадбирда туман маданият бўлимининг ҳаваскор санъаткорлари шўх куй-қўшиқлар билан даврага файз киритишди. Учрашув сўнггида илгор ҳашарчи талабаларга партиянинг вилоят кенгаши ҳамда ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Муҳтожлар ижтимоий муҳофазада

Самарқанд. Партиянинг электорати ҳисобланган тадбиркорлар ва ишбилармонлар кўмағида Самарқанд шаҳридаги болалар уйлари ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларига 10 миллион сўмлик, шаҳар Маданият жамғармасига 3 миллион сўмлик ҳомийлик маблағлари ажратилди.

О'zLiDePнинг Самарқанд шаҳар кенгаши вакиллари ҳомийлик ёрдами тантанали равишда топширдилар. Маросимда партиянинг устувор дастурий мақсадлари, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий соҳаларда кенг кўламада амалга ошириб келинаётган ишлар ҳақида сўз борди.

Қишлоққа — минитехнологиялар ва ихчам ускуналар

Хоразм. 17 октябрь куни партиянинг вилоят кенгаши ҳузуридаги Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази томонидан Хонқа туманидаги «Қувонч» Фермер ҳўжалигида Президентнинг 2006 йил 24 августда эълон қилинган «Қишлоқ ҳўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналар Халқаро ихтисослаштирилган кўرғазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг моҳиятини тушунтириш ҳамда унинг ижросини таъминлашга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда илгор фермерлар, ишбилармон ва тадбиркорлар, партия фаоллари қатнашдилар. Партиянинг вилоят кенгаши вакиллари мазкур қарорнинг моҳияти ва унинг жойлардаги ижросини таъминлашда партия олдида турган долзарб вазифалар ҳамда устувор йўналишлар ҳақида маъруза қилиб, бугунги кунда янги ташкил этилган фермер ҳўжаликлари минитехнологиялар ва бошқа хил техника воситалари билан таъминлаш муҳим муаммолардан бири эканлигини таъкидладилар.

Давра суҳбати чоғида маҳаллий ва хоризжда ишлаб чиқарилаётган, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган минитехнологиялар, асбоб-ускуналар тўғрисида иштирокчиларга маълумотлар берилди. Шунингдек, кўпчилик тадбиркор ва фермерларнинг минитехнологиялар ва ихчам ускуналар сотиб олиш юзасидан фикр ва тақлифлари ўрганилиб, уларга мазкур кўрғазма-савдоларда бевосита иштирок этиш борасида аниқ тавсиялар ва кўрсатмалар берилди.

Маънавий қошоно



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Темурийлар тарихи давлат музейида соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 670 йиллиги ва мазкур музей ташкил этилганлигининг 10 йиллиги муносабати «Истиклол яратган маънавий қошоно» деб номланган байрам тадбири ўтказилди.

■ **Шаҳринисо ҚУЛДОШЕВА**

Унда давлат арбоблари, ЎзР ФА аъзолари, жумладан, темуршунос олимлар, музей-

ни яратишга ўз хиссасини қўшган хунармандлар, талабалар, ОАВ вакиллари иштирок этидилар.

Тадбирда музей маъмурияти томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланган минилитураторчи расомлар унга чиқарилган расмлар, миллий санъат анъаналарига хос безаклар ҳақида сўзлаб бердилар. Шундан сўнг «Музейнинг очилиши» номли ҳужжатли фильм намойиш қилинди.

Байрам тадбири доирасида «10 йилга — ўн кўрғазма» рўкни остида «Ўзбекистонда ёзув маданияти тарихи», «Шохруҳия — қалъа шаҳри», «Хоризмдаги меросимиз», «Амир Темури-Клавихо-Самарқанд», «Амир Темури ҳаётидан лавҳалар», «Амир Темури ва Темурийлар даври расомлар нигоҳида», «Амир Темури ва Темурийлар даври олимлари ва ёзувчилар наздида», «Совғалар», «Дастхатлар», «Темурийлар тарихи давлат музейи 10

ёшда» кўрғазмалари ҳам ташкил этилди. Бу кўрғазмалар йил охиригача очик бўлади.

Шаҳримиз марказида жойлашган Темурийлар тарихи давлат музейи 1996 йили соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги арафасида қад рўстлаган эди. XIV - XV аср меъмориликка уйғун тарзда қурилган музей экспозициясида Амир Темури ва Темурийлар даври тарихидан ҳикоя қилувчи археология, этнография, нумизматика ашёлари, қўлёзмалар, тасвирий санъат намуналари сони бугунги кунда 2500 дан ортиб кетган. Ваҳоланки, музей ташкил этилган дастлабки кезларда унинг хазинасида жами 600 атрофида экспонат мавжуд эди.

Музей юртимизнинг кутлуг қадимжоларидан бирига айланган бўлиб, ўтган давр мобайнида бу ерга ташриф буюрганлар сони 2 миллиондан ортиб кетди.

ТАДБИР

ИҚТИСОДИЁТ

ҲУҚУҚИЙ давлатда иқтисодиёт ҳам мустаҳкам қонунчилик ва норматив базага асосланиши, унинг негизда ислоҳ қилиниши лозим

Дехқоннинг суянган тоғи

«ПАХТАБАНК» ТОМОНИДАН ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ САККИЗ ОЙИДАГИНА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕХНАТ ҚИЛАЁТГАНЛАР УЧУН 252 МЛРД. СЎМДАН ЗИЁД ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ МАБЛАҒЛАРИ АЖРАТИЛДИ

Мамлакатимиз пахтакорлари 3 млн. 600 минг тоннадан кўпроқ сарбаланд хирмон уйиб, йиллик шартномавий режани шараф билан адо этдилар. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон пахтакорларига, барча меҳнаткашларига" йўллаган қутловида "Бундай ижобий мақсадларга эришиш, аввало, истиқболли, эртапишар ва серҳосил навлар яратиш, уларни иқлим ва тупроқ унумдорлигига мос равишда жойлаштириш, илғор технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жумладан, дехқон ва фермерларни кредит ресурслари, янги техникалар, минерал ўғит ва бошқа зарур воситалар билан таъминлаш, турли зараркунанда ҳашоратларга қарши биологик усулларни қўллаш каби ишларнинг тўғри ташкил этилгани ва ўз вақтида амалга оширилгани эвазига бўлаётганини яхши англаймиз", дейилади.

Шахзод НАЗАРОВ

Эришилган ана шу улкан муваффақиятга имкон яратган қатор омиллар бор, албатта. Дехқонга ҳамма кўра маънавият ва ҳақорат ташкилотлар ўз бурчи ва вазифаларини сийқидилган адо этганлари ҳам пахтакорлар эришган меҳнат зафарига ҳал қилувчи омиллардан бири бўлди, деб баралла айтиш мумкин. Республика акциядорлик-тижорат "Пахтабанк"нинг фаолияти бунга яққол мисолдир. Чунки бу молия маъсасаси ширкат ва фермер хўжалиқларига, "Агромаш-сервис"га қарашли машина-трактор паркларига, шунингдек, дехқончиликка алоқадор барча тузилмаларга ерни уруғ қадашга тайёрлашдан то ҳосилни йиғиб-териб олгунга қадар давом этадиган бутун меҳнат жараёни харажатлари учун етарли миқдорда имтиёзли кредитлар бериб келмоқда.

Бу фикр қуруқ бўлиб қолмаслиги учун имтиёзли кредитлар тақсимотини таҳлил қилиб кўрайлик. Бундай молиявий ёрдам, аввало, талаб-эҳтиёж катта, устувор соҳаларга берилгани кўзга яққол ташланиб турибди. Чунки, жорий йилнинг саккиз ойи мобайнида ширкат ва фермер хўжалиқларининг эҳтиёжлари учун жами 252 млрд. 806 млн. сўмлик имтиёзли кредит ажратилган. Шундан 80 млрд. сўмликдан кўпроги дехқонларга қанот бўладиган ташкилот — "Қишлоқхўжалиқ-кимё" акциядорлик жамиятига, 49 млрд. 527,5 млн. сўми

эса "Ўзнефтахсулот" корхоналарига тўғри келди. Бу маблағ мақсадли ишлатилиб, ширкат ва фермер хўжалиқлари, уларга хизмат кўрсатувчи тузилмалар минерал ўғитлар экин зараркунандаларига қарши дори воситалари, ёнилғи-мойлаш ашёлари харид қилишда асло қийинчилик сезмадилар.

Дехқонлар меҳнатига ҳақ тўлашда ҳам кечикишлар бўлмади. Иш ҳақи тўлашга мўлжалланган маблағ вақтида етказиб турилди. Машина-трактор паркларига ҳам жами 27 млрд. 393 млн. сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига қиёсан 6 млрд. 193 млн. сўм кўпроқ.

АТ "Пахтабанк" гўза зараркунандаларига қарши биологик усулда курашувчи биологик лаборатория ва биофабрикаларга 2 млрд. сўм — ўтган йилдагига нисбатан ярим млрд. сўм кўп имтиёзли кредит ажратди.

Техника — дехқоннинг қаноти, деган гап бежиз айтилмайди. Айниқса, пахта етиштиришдек сермашаққат ишларда техниканиннг кўмаги катта бўлапти. Буни яхши тушунишга "Пахтабанк" мутасаддилари дехқонлар замонавий машина ва механизмларга эга бўлишлари учун қўлларидан келган барча чораларни кўришмоқда. Мана бу рақамларга эътибор берилди. Амалдаги йилнинг 1 август ҳолатига ширкат ва фермер хўжалигига 29 млрд. 142 млн. сўмлик кредит берилди, бу маблағга хўжалиқлар 978 та техника воситаси



сотиб олишди.

Имтиёзли кредитларнинг асосий қисми фермер хўжалиқларига йўналтирилаётгани, уларнинг оғири енгил, узоғи яқин бўлаётгани мактовга лойиқ. Масалан, саккиз ой мобайнида фермер хўжалиқларига 13,3 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилди. Бу маблағга 676 та техника воситаси сотиб олинди. Жумладан, 37 та "Класс" русумли комбайн, 46 та "ВТ-150", 70 та "Т-4А", 17 та "ТТЗ-100", 86 та "ТТЗ-80" тракторлари, 41 та культиватор харид қилинди. Айни пайтда эҳтиёт қисмлар захирасини яратишга ҳам алоҳида эътибор берилди. Чунки, 9,8 млрд. сўмлик эҳтиёт қисмларнинг 6 млрд. 697 миллион сўмликдан кўпроги "Агромашсервис" таркибидаги МТП ва бир млрд. 273,6 миллион сўмликдан зиёди муқобил МТПларга йўналтирилди. Фермер хўжалиқлари 1,5 млрд. сўмлик эҳтиёт қисмлар захирасини яратдилар.

Пахта йиғим-терими қизғин бораётган паллада "Пахтабанк"нинг дехқонга яқин кўмакдошлиги, айниқса, яққол намоеён бўлди. Айтайлик: илгари теримчиларга иш ҳақи тўлаш учун пул қишлоқ хўжалиқ корхоналарининг ҳисобварақаларига махсус транш орқали ўтказиларди. Кейинги йилларда эса шу

мақсадларга мўлжалланган пуллар банк томонидан бевосита хўжалиқларнинг ўзига етказиб берилмоқда. Бунга сабаб шунки, кўпгина фермер хўжалиқларида кундалик теърикланган пахтаниннг ҳақини дарҳол тўлаш тартиби жорий этилди.

Шуни ҳисобга олиб, "Пахтабанк" раҳбарияти нақд пулни ўз вақтида ва узулуксиз етказиб туриш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқди. Пахта йиғим-терими айни қизғин кунларда банкнинг 257 нафар ходими туманларга, 367 нафар ходими ширкат хўжалиқларига, 1957 нафар ходими эса фермер хўжалиқларига бириктириб қўйилди. Улар ажратилган нақд пуллар манзилга ўз вақтида етиб келишини таъминлаш баробарида бу пулларнинг мақсадли ишлатилишини қатъий назорат остига олдилар.

Банкда нақд пул айланишининг узулуксизлиги таъминлаш пухта йўлга қўйилган. Бугунги кунда банкнинг барча филиалларида ва 640 дан зиёд минибанкида аҳолидан омонатлар қабул қилинмоқда.

Шу ўринда "Пахтабанк"нинг Наманган вилоят бошқармаси жамоаси, айниқса, фаол ишлаётганини таъкидлаб ўтишга тўғри келади. Банкнинг Наманган вилоят бошқармаси бу йил пахта

етиштириш харажатларини молиялашга жами 17 млрд. 302 млн. 280 минг сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратди. Жумладан, иш ҳақи харажатларига 4 млрд. 95 млн. 594 минг сўм, минерал ўғит ва кимёвий воситалар учун 5 млрд. 899 млн. 797 минг, ёнилғи-мойлаш ашёлари харид қилишга 2 млрд. 569 млн. 514 минг, уруғликлар учун 656 млн. 280 минг, механизация хизмати ва эҳтиёт қисмлар сотиб олишга бир млрд. 447 млн. 825 минг, ўсимликларни ҳимоя қилишининг биологик воситалари учун 789 млн. 766 минг сўм, қолган қисми пахта етиштириш билан боғлиқ бошқа харажатларга берилди.

Бундай салмоқли кўрсаткичларни бошқа вилоятлардан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, акциядорлик-тижорат "Пахтабанк", унинг вилоятлардаги филиаллари ва кенг тармоқ ёйган минибанклари қишлоқ меҳнаткашларининг, биринчи навбатда ширкат ва фермер хўжалиқларининг молиявий кўмакчиси, ишончли ҳамкори бўлиб қолди. Банк жамоаси дехқонларга мададкор бўлиш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти юксалишига баҳоли-қудрат ҳисса қўшмоқда.

Банкнинг Наманган вилоят бошқармаси бу йил пахта

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

Жавобларни "ALAFIA" адвокатлик фирмасининг адвокати Ақром БЕРДИМУРОДОВ тайёрлади

Ҳеч иккиланмай ишга чиқаверинг!

"Оғир касалликдан сўнг менга II гуруҳ ногиронлиги нафақаси тайинланди. Ногиронлик пайтида ишлаш учун ҳуқуқим борми? Шу ҳақда маълумот берсангиз. Зумрад ҚОРАТОВА, Булунгур тумани".

— Агар хоҳласангиз, ўз иш фаолиятингизни бе- малол давом эттиришингиз мумкин. ТМЭКнинг ногиронлар учун тўлиқсиз иш вақти режимини жорий этиш, хизмат вазифасига кирувчи топшириқларни ва меҳнат муносабатларига оид бошқа шартлар ҳақидаги тавсияларини бажариш Сиз ишлаётган корхона ва ташкилот раҳбари учун мажбурийдир.

I ва II гуруҳ ногиронларига, меҳнатга ҳақ тўлаш камайитирилмаган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган қисқартirilган муддати бел- гиланади. Шунингдек, ногиронларни тунги ишлар- га, иш вақтидан ташқари ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ўз розилиқлари билан, қола- верса, улар учун бундай ишлар тиббий тавсияларда таъкидланмаган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Қарз шартномаси нима?

"Айтинг-чи, қарз шартномасининг шартлари бузилган ҳолларда қандай йўл тутилади? Расулжон ҒАНИЕВ, Тошкент шаҳри".

— Шартнома кўра, қарз олувчи қарз суммаси- ни вақтида қайтармаган ҳолларда пул маблағини ғайриқонуний равишда ушлаб қолиш, уни қайтариш- дан бош тортиш ёки тўлашни бошқача тарзда ке- чиктириш ҳолларида ундан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз қўшилиши керак.

Агар шартномада қарзни бўлиб-бўлиб тўлаш на- зарда тутилган бўлса, олувчи шахс белгиланган муд- датга амал қилмаган тақдирда, қарз берувчи қолган барча суммани тегишли фоизлари билан муддати- дан олдин қайтарилишини талаб қилишга ҳақлидир. Шунингдек, агар шартнома буйича қилинган фойзаларни қарзнинг ўзидан олдин тўлаш назарда тутилган бўлиб, бу мажбурий бузилган ҳолларда, қарз берувчи мазкур фоизларни асосий қарз сум- маси билан бирга муддатидан олдин қайтарилиши- ни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Шикоятга ўрин бор!

"Яқинда ўғлимни машина туртиб юбориб, обғига енгил тан жароҳати етказди. Иш судга оширилди. Бироқ суд ишни бизнинг иштироки- мизсиз қўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилибди. Шу тўғрими? Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Зангиота тумани".

— Аввало, ўғлингиз жабрланувчи сифатида ишга оид ҳамма материаллар билан танишиб чиқишга, кўрсатмалар беришга, далиллар келтиришга, ишни қўриб чиқиш пайтида адвокатнинг юридик ёрдами- дан фойдаланишга, ишга оид қарор юзасидан шико- ят қилишга ҳақлидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарор устидан юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) ёки маъмурий ишлар бўйича ту- ман (шаҳар) судьясига, судьянинг маъмурий ишлар бўйича қарори устидан эса туман (шаҳар) суди раи- сига ёки юқори турувчи судга шикоят берилиши мумкин. Ушбу шикоят 10 кун муддат ичида қўриб чи- қилиши лозим. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида- ги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят берган шахс давлат божи тўлашдан озод этилади.

Совутгич пулини «Энерготаъминот»дан оласиз

"Бизнинг қишлоқда электр токи тез-тез ўчиб туради. Яқинда ҳам шундай ҳол юз берди, ҳолодильникимизнинг мотори ишла- май қолди. Энди бўлса, нима қилишга ҳай- роммиз. Бизга етказилган моддий зарарнинг ўрнини ким қоплайди? Холиқул САТТОРОВ, Форш тумани".

— Бунинг учун Сиз, аввало, туман истеъмолчилар уюшмасига мурожаат қилишингиз, музлатгич мото- рини экспертизадан ўтказишингиз керак. Қўрилган зарарнинг қийматини ҳисоблаб чиқиш, энергия таъ- миноти билан боғлиқ маълумотларни олишни унут- манг. Агар электр тоқининг ўчиб-ёнишидан қўши- ларингиз ҳам зарар кўрган бўлишса, биргаликда ҳаракат қилган маъқулроқ.

Мабодо энерготаъминот идораси талабингизни ўз вақтида қондирмас, судга мурожаат қилишингиз мумкин. "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун Сизнинг бу борадаги ҳақ- ҳуқуқларингизни тўла кафолатлайди.

АЗИЗ ГАЗЕТХОНЛАР!
Биз Сизни қизиқтирган саволларга жавоб беришдан доимо мамнунмиз. Марҳамат, саволларингизни куйидаги манзилга йўллашингиз мумкин: 700051, Тошкент шаҳри, «Нуку» кўчаси, 73а-уй. Мурожаат учун телефон: 55-70-16.

МОЛИЯ ТИЗИМИ

«XXI ASR» ХАТҚУТИСИДАН

ИСЛОҲОТ

"Қувасойчинни" ҳиссадорлик жамияти кейинги йилларда ички ва ташқи бозордаги шўхратини тиклай бошлади. Илгари эса аҳвол тамом бошқача эди. Хомашё тақчиллиги сабабли бу ерда иш интизоми анча издан чиққан, маҳсулот бозордан эмас, асосан омондордан "жой" оларди. Оқибатда корхонадаги асосий жараёнлар тўхтаб қолган, 3 мингдан ортқ ишчи-хизматчилар мажбурий таътилга чиқариб юборилган эди.

Алижон МИРЗАБОВЕВ, «XXI asr» мухбири



Тикланаётган шўхрат

БИР ДОНА ПИЁЛА ТАЙЁР БЎЛГУНЧА ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ХИЛ ЖАРАЁНДАН ЎТАДИ

Республика ҳукуматининг маҳаллийлаштириш дасту- ри доирасида корхонадаги иқтисодий аҳвол атрофидаги ўрганиб чиқилди. "Ҳамкор- банк" акционерлик-тижорат банки Фарғона филиали то- монидан 100 миллион сўм кредит ажратилди, корхона фаолиятини йўлга қўйиш учун амалий ёрдам кўрсатил- ди. Натижада вазият яхши томонга ўзгарди, мажбурий таътилга чиқарилган ишчи- хизматчилар яна ўз ўринла- рига қайта бошладилар.

Маълумки, чинни буюм- лар ишлаб чиқаришда си- фатли хомашёнинг аҳамия- ти катта. Илгарилари унинг асосий қисми катта сарф- харажатлар эвазига четдан ташиб келтирилган, бу эса маҳсулот таннархининг қим- матлашувига сабаб бўлар эди. Эндиликда бу борада-

ги овозгарчиликлар барҳ- ам топди. Чинни маҳсулот- лар учун зарур бўлган хом- ашёни Ангренадаги "Каолин" қўшма корхонаси етказиб бермоқда. Ҳайрат ва ташки- лотчилик самараси ўларок, иш сифати ва унумдорлиги охиб бораётди. Корхонада кунига 25-30 минг дона чин- ни буюмлари, 15-20 минг дона ўтга чидамли гишт ва 200 квадрат метрдан зиёд черепицалар тайёрланаёт- ганлиги ҳам фикримиз да- лилидир.

Айтишларича, бир дона пиёла тайёр бўлгунча 29 хил жараёндан ўтади. Бухоро, Сурхондарё, Қарши, Анди- жон вилоятлари ва Фарғона шаҳрида корхонанинг савдо уйлари очилган. Бу ерда мижозларнинг талаб-истак- лари ўрганилади ва улар маҳсулот тайёрлаш жараёни-

да, албатта ҳисобга олинади. Корхона қошида чиннисоз- лик ва тиббиёт тармоқлари учун асқотадиган гипс иш- лаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Унинг асосий қис- ми яқин вақтларгача четдан ташиб келтирилди. Энди бунга ҳожат қолмади. Муҳи- ми, янги қувватларнинг фой- даланишига топширилиши натижасида юзлаб қўшимча иш ўринлари вужудга келаёт- ти.

Жамоа аъзоларининг унумли меҳнат қилишлари учун барча шaroит яратил- ган. 200 ўринли ошхона улар хизматига. Тушлик — бепул. Корхонага келиб-кетиш учун транспорт воситалари ажра- тилган. Буларнинг ҳаммаси иш унумдорлигини оши- риш, маҳсулот сифатини ях- шилашда муҳим аҳамият касб этапти, албатта.



ДУНЁДА ЭЛ-ЮРТ
ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА
ХИЗМАТ ҚИЛИШДАН
КАТТАРОҚ БАХТ БЎЛМАСА
КЕРАК



ЁШ АВЛОДНИ ЕТУК,
МУНОСИБ КИШИЛАР ҚИЛИБ
ТАРБИЯЛАШ БАРЧАМИЗНИНГ
МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР

«XXI ASR» IJTIMOY-SIYOSIY GAZETASI ILOVASI

WWW.21ASR.COM




БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ИНСОН БЎЛИШ — КУРАШЧИ БЎЛМОҚЛИКДИР

Эл манфаати йўлида

Сифатли маҳсулотнинг харидори кўп бўлади. Бунини Самарқанд шаҳрида жойлашган "Файзи" қўшма корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Республикамининг кўплай вилоятларида унинг ўз харидорлари бор, десак, хато қилмаймиз.

■ Мухаббат РАВШАНОВА,
«XXI asr» мухбири



Эришилаётган ютуқларга 25 дан зиёд O'zLiDeP аъзолари муносиб ҳисса қўшмоқдалар.
Тадбиркорлик фаолияти эндигина қанот ёза бошлаган кезларда қаҳрамонимиз турмуш ўртоғи Абдулатиф ака билан маслаҳатлашиб, экспорт-импорт операцияларини амалга оширишга ихтисослашган "Дамир-Зафар" фирмасини ташкил этди.
— Ушунда муаммони ҳал этиш учун катъий киришгандик, — дея эслайди суҳбатдошимиз. — Шахсий маблагимиз ҳисобига Покистондан замонавий технология олиб келиб, турли хил ширинликлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Мана, икки йилдирки, корхонамиз ўз қаддини тиклаб, эл-юрт дастурхонига

сифатли маҳсулот етказиб бермоқда.
Дарҳақиқат, шундай. "Файзи" қўшма корхонасида технологик жараёнларни чуқурлаш-

рона меҳнати ва ташаббускорлиги туфайли корхона иқтисодиёти мустаҳкамлашиб, самарадорлик ошиб бормоқда. Яқинда бу ерда тўй ва

лан тақдирланди. Фақат шугри-корлик туйғунлиги ҳам бўлмади. БПТ раиси Т. Мама-тқулова истиқлол байрами арафасида "Мустақилликнинг 15 йиллиги" кўрак нишони билан мукофотланди.
— Бу менга янги куч-қувват бағишламоқда, — дейди Т. Мама-тқулова. — Юксак ишончли оқлаш учун тинимсиз изланишимиз, эл-юртимиз дастурхонини экологик тоза ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдирish йўлида куч-ғайратимизни аямаслигимиз лозим. Ёшлигимда онам "Болам, эсингда тут: дангасалик қашшоқлик келтиради, инсоннинг бахти меҳнатдадир", деб кўп тақрорлардир. Бу ўғитлар бир умр хотирамда муҳрланиб қолган. Жамоамиз аъзолари фидойий, ҳар қандай қийинчиликка елка тутадиган киши-

лар. Мен улар ёрдамида яна бир режани амалга ошироқчиман. Бу ҳам бўлса, аёллар пардоз буюмларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдир. Ният, ҳолис бўлса, ҳар қандай муаммони ечиш мумкин. Ҳаммаси инсоннинг ўзига боғлиқ, албатта. Биз O'zLiDeP аъзоларининг куч-ғайратига таяниб, кўзланган мақсадларни рўёбга чиқаришга ҳаракат қилаёلمиз.
Самарқанд тумани, "Хўжа соат" маҳалласидаги кам таъминланган оилалар, кекса ва қаровчисиз кишилар доимий эътиборимизда. Уларга баҳоли қудрат ёрдам бериб келинмоқда. Буларнинг ҳаммаси жойларда партияимиз нуфузи ҳамда обрў-эътиборини оширишга хизмат қилаётир.

Тамара МАМАТҚУЛОВА,
1957 йилда Булунгур туманида туғилган. Самарқанд кооператив техникумини тугатган. Кўп йиллар давомида савдо соҳасида хизмат қилган. Ҳозирги кунда "Файзи" Ўзбекистон-Афғонистон қўшма корхонаси раҳбари, O'zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси.

тиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Натижада манфаатдорлик ошиб, қўшимча иш ўринлари вужудга келаяпти. Энг муҳими, O'zLiDeP аъзолари ишлаб чиқаришнинг олдинги сафларида бо-ришяпти. Уларнинг фидоко-

тантаналар учун турли пишириклар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Тайёр маҳсулотлар асосан корхонанинг ўз дўконлари орқали сотилмоқда. Корхона "Ташаббус-2006" вилоят кўрик-танловида голиб чиқиб, қимматбаҳо совға би-

ва энагаларнинг барчаси O'zLiDeP аъзосидир.
Энг муҳими, боғчада соғлом маънавий муҳит қарор топган. Гулара Алламуратова партия фаоли ҳамда республика Жўқорги Кенгаши депутаты сифатида либерал ғояларни кенг тарғиб қилиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий савдоҳонлигини ошириш, уларни иш билан таъминлаш, муаммоларини ҳал этиш йўлида куч-ғайратини аямаетир. Бошланғич

шубҳасиздир.
— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашни диққат марказида тутаямиз, — дейди партия етакчиси. — Зеро иқтисодиётимизнинг эртанги кунини кўп жихатдан уларга боғлиқ. Тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича тегишли тадбирларни белгилаб олганмиз. Тез-тез давра суҳбатлари ўтказиб, уларга молия-банк ходимларини ҳам жалб қилаёلمиз. Ушбу масала юзасидан жойларда олиб борилаётган тарғибот-тушутириш ишлари ҳам яқин самара берапти.
Тараққиёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Давр олдимизга янги талабларни қўймоқда. Кўнғиротлик Гулара Алламуратова бунини теран ҳис этади. Шунинг учун ҳам доимо одамлар орасида бўлиб, O'zLiDeP ғояларини кенг тарғиб қилишга интиляпти. Интилганга эса, толе ҳаммиса ёр.

Оламда муаллимликнинг нонидек ҳалол, пок насиба кам топилса керак. Мўйноқлик Гулара Алламуратова, мана, чорак асрдирки, таълим-тарбия соҳасида хизмат қилиб келмоқда. Бу орада ҳалол меҳнати билан тилга тушди, ардоқли инсонга айланди. Ўтган йилги сайловларда 63 сонли Олтинқул сайлов округидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгашига депутат этиб сайланганлиги фикримиз далилидир.

■ Дониёр КАМОЛ, «XXI asr» мухбири

Гулара опа билан дастлабки учрашувимиз унинг ишонасида бўлди. Бир чеккада каттагина стол, даста-даста китоблар, турли маълумотлар... Опахонинг гапларига қулқ солсангиз, унинг теран фикри, зукко замондошларимиздан бири эканлигига амин бўласиз.
— Бир қарашда болалар билан ишлаш осондек. Аслида ундай эмас. Мактабгача тарбиянинг алоҳида масъулияти бор. Ҳар гал болалар даврасида бўлганимда, ўзимнинг ёшлигим ёдга тушади, — дейди Гулара опа. — Очигини айтиш керак, бугун ҳукуматимиз томонидан таълим-тарбия

соҳасига кўрсатилаётган эътиборни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Бу келажагимиз ҳақидаги катта ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир.
Дарҳақиқат, шундай. Ҳозирги кунда боғчада шаҳар аҳлининг 160 нафар ўғил-қизлари замон талаблари асосида камол топишяпти. 6 нафар тарбиячи уларга қаторида парвона. Мудири тарбия ишларидан ортиб, туманда ўтказиладиган партиявий-сиёсий тадбирларда фаол қатнашади. O'zLiDeP сафига биринчилар қаторида қўшилган эди. Боғча ходимлари ҳам унинг изидан боришди. Айни кунда тарбиячи

Кўнғиротлик Гулара

Гулара АЛЛАМУРАТОВА,
1959 йилда Мўйноқ туманида туғилган. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат университетини тамомлаб, Кўнғирот туманидаги 36-урта мактабда ўқитувчи, Халқ таълими бўлимида услубиётчи вазифаларида хизмат қилган. Айни пайтда мактабгача тарбия билан шугулланади, бошланғич ташкилот раиси. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгаши депутати.

партия ташкилоти ҳам ўз фаолиятини кун сайин такомиллаштирмоқда. Бу борада шаҳар партия кенгаши билан йўлга қўйилган яқин ҳамкорлик ўз самарасини берапти. Турли учрашувлар, давра суҳбатлари давомида O'zLiDePнинг мақсад ҳамда вазифалари тўғрисида атрофлича фикр юритилапти. Буларнинг ҳаммаси партиянинг жамиятдаги нуфузи ва обрў-эътиборини оширишга хизмат қилаётгани

шубҳасиздир.
— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашни диққат марказида тутаямиз, — дейди партия етакчиси. — Зеро иқтисодиётимизнинг эртанги кунини кўп жихатдан уларга боғлиқ. Тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича тегишли тадбирларни белгилаб олганмиз. Тез-тез давра суҳбатлари ўтказиб, уларга молия-банк ходимларини ҳам жалб қилаёلمиз. Ушбу масала юзасидан жойларда олиб борилаётган тарғибот-тушутириш ишлари ҳам яқин самара берапти.
Тараққиёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Давр олдимизга янги талабларни қўймоқда. Кўнғиротлик Гулара Алламуратова бунини теран ҳис этади. Шунинг учун ҳам доимо одамлар орасида бўлиб, O'zLiDeP ғояларини кенг тарғиб қилишга интиляпти. Интилганга эса, толе ҳаммиса ёр.

Охунбобоев тумани Фарғона вилоятининг аграр ҳудудларидан бири ҳисобланади. Бу ерда бармоқ билан санарли бўлган саноат тармоқларини ҳисобга олмаганда, аҳоли асосан қишлоқ хўжалигида банд. 1994 йилнинг кеч қузи. Ҳукуматимиз қарорига асосан зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ширкат хўжаликлари тугатилиб, экин майдонлар танлов асосида фермер хўжаликлари ихтиёрига берилаётганини эшитган Эъзозхоннинг ороми бузилди. Хўжалик идорасига бориб, танловда иштирок этиш учун ариза берди.

Лойсонлик маслакдошлар

■ Алижон МИРЗАБОВЕВ, «XXI asr» мухбири

Тендер комиссияси қарорига асосан унга хўжаликнинг чўл устакасидан ер теғди. Шу тариқа туманда фермерлик ҳаракатининг қалдирғочларидан бири — "Барака" фермер хўжалиги ташкил топди.
— Бу йил дон етиштириш анча қийин кечди, — дейди фермер биз билан суҳбатда. — Маълумки, бугдой — сувталаб экин. Парвартиш даврида сугориш ва ўғитлаш ишларини маромида ўтказишга ҳаракат қилдик. Шукрки, меҳнатларимиз зое кетмади. "Маржона" навли уруғдан гектар бошига 55 центнердан ҳосил олиб, режани ортиги билан бажардик. Эрта баҳорда 17 гектар майдонга "С-6524" навли чигит уруғи қадаган эдик. Октябр ойининг дастлабки кунидеяк шартнома режасини уддаладик. Ҳосилдорлик 29 ўрнига 36 центнерни ташкил этди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўз фаолиятини бошлаган дастлабки кезлардаёқ Э. Ахмедова унга аъзо бўлган эди. Орадан кўп ўтмай, фермер хўжалигининг яна беш нафар ходими маслакдошлар сафига қўшилди. Шу тариқа 2005 йилнинг аввалида "Барака"да бошланғич партия ташкилотига асос солинди.

Эъзозхон АХМЕДОВА,
1956 йили Охунбобоев туманидаги Лойсон қишлоғида туғилган. Маълумоти — ўрта. "Барака" фермер хўжалиги раҳбари, бошланғич партия ташкилоти раиси. "Хотинариқ" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг маънавият масалалари бўйича маслаҳатчиси.

— Эъзозхон опани кўп йиллардан буён билан, — дейди O'zLiDeP туман кенгаши раисининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари Дилдоракон Турғунова. — Партия ғояларининг толмас тарғиботчиси бўлган бу аёл "Хотинариқ" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг маънавият масалалари бўйича маслаҳатчиси, халқ депутатлари туман кенгашининг депутати сифатида ҳам кўпчиликка ибрат бўлмоқда. Айни кунда бошланғич партия ташкилотиди 12 нафар O'zLiDeP аъзоси ҳисобда туради. Уларнинг ҳар бирига тегишли партиявий топшириқ юклатилган. Энг муҳими, маслакдошлар сиёсий, маънавий ва маърифий тафаккури билан бошқалардан ажралиб туришади.

O'zLiDeP фаолларининг бевосита ташаббуси билан жойларда ҳомийлик ёрдами йўлга қўйилган. БПТ томонидан қишлоқдаги 17 ва 48-умумтаълим мактаблари, "Қошғар" қишлоқ-врачлик пунктини таъмирлаш, кам таъминланган оилаларнинг табиий газ ва электр энергиясидан қарздорлигини камайтириш, оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли чоралар кўрилатганилиги фикримиз далилидир.

ТАЯНЧ НУҚТАЛАРИМИЗ

O'ZLIDER ODIMLARI

Ёқутхон ва унинг сафдошлари

ПАРТИЯВИЙ-СИЁСИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА
ФАОЛЛИК КЎРСАТИШМОҚДА

Кўшкўприк қишлоғида кўпчилик бу аёлни малакали ва билимдон маориф ходимигина эмас, балки етук ва фаол жамоатчи сифатида ҳам яхши билади. Ана шу хислатлари учун жамоадаги маслақдошлари уни ўзларига етакчи этиб сайлашган. Мана, бир неча йилдирки, Ёқутхон Деҳқонова ўзига билдирилган юксак ишонччи муносиб равишда оқлаб келмоқда.

■ Аъзам КОДИРОВ, «XXI asr» мухбири

— Партия аъзоси бўлиш зиммамизга катта масъулият юклайди, — дейди у. — Энг асосийси, мана шу масъулият юкини ҳис эта билишда. Мактабимизда 620 нафардан зиёд ўқувчи таълим олади. Мавжуд 38 нафар педагогнинг 20 нафари O'zLiDeP аъзосидир. Ўқувчи-ёшлар онгига миллий истиқлол ғояларини чуқур сингдириш, уларни Ватанга садоқат, эзгу анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялаш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Бунинг учун таълимнинг ноанъанавий усуллари ҳам амал қилаялмиз. Сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш мақсадида жойларда турли тадбирлар ўтказилапти. Мактаб раҳбарияти ташаббуси билан маҳаллада халқ университети ташкил этилган. Бу ерда ҳар ойда икки марта машғулот олиб борилади. «Мафқуранинг тарихий ва фалсафий асослари, миллий ва умуминсоний тамойиллари», «Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузи», «Президент И. Каримов — миллий мафқура асосчиси» каби мавзулардаги чиқишлар кўпчилида катта таассурот уйғота-

япти. Гулнора ва Авазбек Ўринов, Ҳакимжон Ибайдуллаев, Мастурахон Охунова каби партия аъзолари бу борада фаоллик кўрсатмоқдалар. Инсон болаликдан бошланади. Вояга етмаганлар билан ишлаш, битирувчиларни касб-хунар коллежларига жалб қилиш ва халқ университети фаолиятини жонлантириш борасида Кўшкўприк маҳалла фуқаролар йиғини раиси, O'zLiDeP аъзоси Турсунбой

Ёқутхон ДЕҲҚОНОВА,

1964 йилда Избоскан туманидаги Пойтуғ шаҳрида туғилган. Тошкент давлат маданият институтини ва Низомий номли педагогика университетининг тарих факультетини тамомлаган. Айни пайтда тумандаги 22-умумтаълим мактабида маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, бошланғич партия ташкилоти етакчиси.

Кўчқоровнинг хизматини алоҳида таъкидлаш жоиз. У узоқ йиллар халқ таълими соҳасида меҳнат қилиб, пенсияга чиққан. Туман аҳли уни сиёсий етук ва фаол жамоатчи сифатида яхши билади. Жорий йилнинг май ойда бўлиб



ҳаётга татбиқ этиш йўлида куч-ғайратини аямаётир.

— Ёш авлод — келажакимиз, — дейди Т. Кўчқоров. — Улар тарбиясини йўлга қўйиш асосан ўзимизга боғлиқ. Шунинг учун ҳам маҳалла, мактаб ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилаялмиз. Ўтган давр мобайнида партия фаоллари саъй-ҳаракати билан бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Ана шундай тадбирлардан бирига қишлоғимизда туғилиб ўсган ёзувчилар ва санъаткорларни таклиф қилдик. Улар билан бўлган учрашув тўпланганларда катта таассурот қолдирди.

Бир сўз билан айтганда,

мактаб бошланғич партия ташкилоти ўз фаолиятини давр талаблари асосида ташкил этиб, яхши натижаларга эришмоқда. Ёшлар орасида жинсий хатти-ҳаракатлар кескин камайганлиги, 9-синф битирувчиларидан 43 нафарининг касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттираётганлиги, 5 нафари 10-синфга тортилганлиги ҳам кўп нарсадан далolat беради. Партия фаолларининг бу борадаги ҳиссасини алоҳида таъкидлаш лозим, албатта. Зеро ўз сафларида ғоявий етук, фидойи инсонларни жипслаштирган партиянинг истиқболи ёруғдир.

Менда таклиф бор

Ҳар қандай сиёсий партияни бошланғич ташкилотларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро партиявий-сиёсий ишларни йўлга қўйиш, оммани эзгу мақсадлар йўлида сафарбар этишда қуйи бўғинларнинг ҳиссаси каттадир.

Қуйи бўғин — асосий таянчимиз

■ Учқун РЕЖАМЕТОВ,
O'zLiDeP Қуйичирчиқ туман кенгаши
раиси ўринбосари

Бугунги кунда туманда 700 нафардан зиёд аъзо-ни бирлаштирган 27 та бошланғич партия ташкилоти мавжуд бўлиб, улар зиммасига алоҳида масъулият юклатилган. Яшириш не ҳолат, барча БПТлар фаолиятини қоникарли, деб бўлмайди. Партия хоналари талаб даражасида жиҳозланмаган, сиёсий адабиётлар, қўлланмалар етарли эмас.

Қузатишлар бўйича, қаерда бошланғич партия ташкилотига бевосита раҳбарнинг ўзи етакчилик қилса, ўша ерда ишлар кўнгилдагидек олиб борилаётган. БПТ учун алоҳида хона ажратилган ва талаб даражасида жиҳозланган. Ҳужжатлар тўплами жойида. Тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Назаримда, сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил қилувчи қуйи тузилмаларда айнан раҳбар ёки масъул лавозим эгалари етакчи этиб сайланишига эришишимиз лозим. Ана шунда ташкилот фаолияти янада жонланади, мавжуд муаммолар ўз ечимини топади.

Шунингдек, БПТ раислари учун жойларда ўқув курслари ташкил этиш, илғорларини ўз вақтида рағбатлантириб бориш мақсадга мувофиқдир. «Энг яхши етакчи», «Намунали БПТ хонаси» каби номинациялар бўйича танлов эълон қилинса, фойдадан ҳоли бўлмасди. Шу йўл билан қуйи тузилмаларнинг фаолиятини янада жонлантириш имкониятига эга бўлардик.

*Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
мамлакатимизда тадбиркорлиги,
ташаббускорлиги, ўз ишини ташкил қилиш,
ғоя ва лойиҳаларини амалга ошириш эвазига
шахсий, оилавий фаровонлиққа ҳамда,
умуман, жамият фаровонлигига интилувчи
барча фуқароларни бирлаштиради.*

O'zLiDeP дастуридан

ТАЯНЧ НУҚТАЛАРИМИЗ

«ҚАШҚАДАРЁПАХТАСАНОАТ»
ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК
БИРААШМАСИ ЖАМОАСИ

**Серқуёш диёримизда
истиқомат қилаётган
барча мусулмон
биродарларни
ажойиб айём —
ийди Рамазон билан
самимий муборакбод этади.
Шу қутлуғ кунларда
ҳукм сураётган
кўтаринки кайфият,
ўзаро меҳр-оқибат,
мурувват ва саховат
сизу-бизни ҳеч қачон
тарк этмасин!**



КИЧИК ва хусусий бизнес республиканинг
экспорт тузилмасида етакчи ўрин эгаллашида
банк кредитлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга

МОЛИЯ

Миллиардлар чегара эмас

АТ «ПАХТАБАНК» ФАРҒОНА ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИ МАЪМУР
Қўчқоровнинг фикрича, банк учун энг асосийси мижоз манфаатидир

Фарғона вилояти бўйлаб хизмат сафари чоғида жойларда тижорат банкларининг корхона ва ташкилотлар, умуман мижозлар билан ўзаро муносабатлари, хусусан, ушбу муассасаларда хизмат кўрсатиш қай даражада йўлга қўйилгани билан қизиқдик. — Иш юзасидан кўплаб банкларда бўлишимга тўғри келади, — дейди мамлакатимиздаги энг йирик саноат корхоналаридан бири — Қувасой шахридаги «Кварц» очик акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари Машраб ака Абдусаматов.

■ Сўхбатдош: Насиба ИСМАТОВА

— Иқтисодий тараққиёти- мизда муҳим ўрин тутувчи ушбу молия муассасалари билан муносабатларимиз жуда яхши. Аммо улар орасида «Пахтабанк» тезкор иш услуби ҳамда хизмат маданиятини юқори даражада йўлга қўйгани билан ажралиб туради. Мен бу гапларни айнан шу банк мижози бўлганимиз учун эмас, балки бу ерда ўрнатилган тартиб-қоидалар ҳар икки томон учун мақбул эканлиги учун айтаяпман.

Биз АТ «Пахтабанк»и Фарғона вилояти бошқармасида бўлганимизда унинг раҳбари Маъмур Қўчқоровга берган биринчи саволимиз ҳам бевосита банк ва мижоз муносабати ҳақида бўлди.

— Ҳар қандай муассаса ва идоранинг ўзига хос иш юритиш усули, йиллар мобайнида шаклланган анъаналари бўлади. Шунинг билан айтишим мумкинки, «Агротрансбанк» негизда ташкил топган «Пахтабанк» тизимида дастлабки кезларда мижозларга нафақат намунали, балки маданиятли хизмат кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор қаратила бошланган.

Мен буни беҳиз айтиётганим йўқ. Боиси, ушбу банк тизимида иш бошлаган 1993 йилгача ҳам бевосита банклар билан алоқадор муассасаларда ишлаганман ва «Пахтабанк»ка келган илк пайтимадак бу ердаги муомала маданиятига тан берганман. Уша пайтдаги раҳбаримиз ҳам мижозлар билан муносабатга алоҳида эътибор қаратишимни сўраганди. Бугун эса мен жамоамиз аъзоларига ана шундай талабни қўяпман.

— Муомала маданияти, тадбиркор учун яратиб берилган шароит ва албатта замонавий иш услублари мижозлар ортишига хизмат қилади. «Пахтабанк» вилоят бошқармасида ана шу ақидаларга тўла риоя қилинаётми, дея оласизми?

— Менимча, бу савол билан мижозларимизга муносабат этилса, тўғрироқ бўларди. Маълумки, банкнинг асосий кўрсаткичларидан бири мижозларга берилган кредитлар ва кредит қўйилмалар миқдори билан белгиланади. Шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, сўнгги уч йиллик фаолиятимиз мобайнида кредит қўйилмалар қолдиғи сезиларли даражада ўзгарди. Биргина жорий йилнинг 9 ойи давомида кредит қўйилмалар қолдиғи 70 млрд. 349 млн. сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 11 млрд. 690 млн. сўмга кўпдир.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва ҳосилдорлигини оширишда таъминот корхоналарининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Шу боис «Агротрансбанк» ва «Қишлоқхўжаликкимё» корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор

қаратаёلمиз. Масалан, биргина «Агротрансбанк» корхоналарига эҳтиёт қисм ва зарур техникаларни сотиб олиш учун жорий йилнинг 9 ойида жами 1 млрд. 026 млн. сўмлик кредит ва 3 млрд. 835 млн. сўмлик факторинг, «Қишлоқхўжаликкимё» корхоналари томонидан етказиб берилган минерал ўғитлар ва бошқа озиклантирувчи препаратлар учун 1 млрд. 320 млн. сўмлик кредит ва 3 млрд. 167 млн. сўм факторинг маблағлари ажратилди.

Бундан ташқари бир қатор саноат корхоналарини қўллаб-қувватлаш ҳам ҳамisha диққат-эътиборимиздадир. Масалан, «Пахтабанк» Қувасой бўлими «КВАРЦ» акциядорлик жамиятига маъжуд бўлган, қурилиш-архитектура ойнаси цехини қайта реконструкциялаш марказлашган кредит ҳисобидан 1940 млн. сўм узоқ муддатли кредит ажратганди. Янгиланган цехда жорий йилнинг 1 сентябрга қадар жами 57 млрд. 363 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Қўшимча 379 та ишчи ўрни яратилди.

Ёки Қува бўлими мижози бўлган «Қува» ОАЖга тўқимачилик комплексига янги ва замонавий технологиялар сотиб олиш учун 1.505.234 АҚШ доллари миқдоридан кредит берилган, корхона қуввати сезиларли ортиди, янгидан 625 та ишчи ўрни юзага келтирилди. Ўтган қисқа давр мобайнида 9 млрд. 291 млн. сўмлик қалава ишлаб чиқаришга эришилди.



Шунингдек, Фарғона ви-

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРГИНА 9 ОЙИ ДАВОМИДА КРЕДИТ ҚЎЙИЛМАЛАР ҚОЛДИҒИ 70 МЛРД. 349 МЛН. СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. БУ ЎТГАН ЙИЛНИНГ ШУ ДАВРИДАГИГА НИСБАТАН 11 МЛРД. 690 МЛН. СЎМГА КЎПДИР.

лоят «Пахтасаноат» бирлашмаси тасарруфидоги корхоналарга узулуксиз ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш мақсадида Бешарик, Риштон пахта тозалаш заводлари, «Қўқон ПТЗ-2» АЖга жами 1 млрд. 200 млн. сўмлик узоқ муддатли кредитлар ажратилди. Марғилон филиали томонидан хизмат кўрсатилган «Марғилонтекстиль» қўшма корхонасига Туркия давлатидан сотиб олинган янги замонавий технологияларни ўрнатиш учун 2.500 минг АҚШ доллари ҳамда қурилиш материаллари сотиб олиш учун 200 млн. сўмлик кредит берилди.

— Кичик ва хусусий бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича олиб берилган ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Юртбошимиз Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижросини таъ-



йилнинг шу даврида бу миқдор 2 млрд. 193 млн. сўмга етказилди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПК-308 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, шаҳар ва туманларда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларига қорамол сотиб олиш учун банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 308 та кам таъминланган оиллага чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли фойзаларда 214 млн. сўм миқдоридан кредитлар ажратилди. Кичик бизнес субъектларига банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан кредит ажратилиши бўйича белгиланган режа 751 млн. сўм ўрнига 1 млрд. 313 млн. сўмга бажарилди.

— Маъмур Каюмович, сўхбатимизни бевосита мижозларга намунали хизмат кўрсатишдан бошлаганлик, Мудокотимиз якунида банкларнинг мижозга энг яқин бўлиши — мени банклар фаолияти ҳақида гапириб берсангиз.


— Жорий йилнинг ўзида жойларда 23 та мини банк ташкил этдик. Натияжада аҳолига энг яқин тармоқларимиз сони 72 тага етказилди. Улар томонидан йилнинг ўтган 9 ойи мобайнидан 852 млн. сўмлик коммунал тўлов-

лар қабул қилинди. Унинг 305 млн. сўми табиий газга, 519 млн. сўми электр энергиясига, 28 млн. сўми алоқа ва телефон хизматлари учундир.

Банкимиз депозит сиёсатини намунали ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратаёпти. Шу боис аҳолининг омонат турларига бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда вилоят бошқармаси ва унинг филиаллари 22 миңдан зиёд омонатчига хизмат кўрсатаётганини боиси ҳам ана шунинда. Банк бошқаруви омонатлар турларини кўпайтириш мақсадида йиллик фойз ставкаси 22 фойз бўлган «Ҳосил», 24 фойзлик «Мураббий» «Олтин куз» омонатларини жорий этди.

Умуман олганда, вилоят бошқармаси бўйича 2006 йилнинг 1 октябрга ҳолатига аҳоли қўлидаги бўш маблағларни банк омонатига жалб қилиш миқдори 7 млрд. 551 млн. сўм, шу жумладан жамғарма ва муддатли омонатга қабул қилинган маблағлар 5 млрд. 720 млн. сўмни ташкил этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бошқармамиз ва унинг жойлардаги бўлинмалари мижозларга самарали хизмат кўрсатиш орқали юртимиз иқтисодийтини янада юксалтириш учун бор имкониятларини ишга солмоқда.



Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлаш, ҳуқуқий молия механизмининг такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу табиий ҳол. Зеро жамият ҳаётининг тўла эркинлаштириш ва босқичма-босқич ислоҳ қилиш, қонунчилик базасини такомиллаштириш тадбиркорлик субъектларининг умумиқтисодий ривожидоги иштирокини кенгайтиришга, уларнинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улушини янада оширишга хизмат қилади.

Ўз ҳуқуқини билган тадбиркор

ХАТОГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙДИ, ҲАР ҚАНДАЙ ҲОЛАТДА ЎЗИНИ ЎЗИ ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛАДИ

■ ИХТИЁР МАТМУРАТОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг судьяси

Тадбиркорлик субъектларини текширишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назоратини кучайтириш, тегишли қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон (2005 йил 5 октябрь) қабул қилинган эди. Шу асосда бошқа ҳудудларда рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш бинолари, савдо шохобчалари, қаерда жойлашганлиги ва хизмат туридан қатъий назар, уларнинг молия-хўжалик фаолиятини такрор текширишга йўл қўймаслик учун ушбу субъектлар рўйхатга олинган жойдаги солиқ идоралари билан бирга тегишли тадбирлар амалга оширила бошланди. Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Юқоридоги фармонга кўра тадбиркорлик субъектлари текшириш якунлари бўйича назорат органларининг тақдимномаларини бажарган, шунингдек, етказилган зарарни белгиланган муддатда ва ихтиёрий равишда тўлиқ қоплаган, тегишли пеняни тўлаган тақдирда уларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилмай-диган бўлди. Учинчидан, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиқларининг молия-хўжалик фаолиятини хар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса хар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш ўтказиш тартиби йўлга қўйилди. Янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиқларининг молия-хўжалик фаолияти эса улар давлат рўйхатига олинган пайдан бошлаб икки йил мобайнида текширилмай-диган бўлди.

Бундан кўзланган асосий мақсад республикамизда кичик бизнесни хар томонлама ривожлантириш, тадбиркорлар учун зарур шарт-шароит яратиш ва уларни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатли ҳимоялашдан иборатдир. Афсуски, кўплаб тадбиркорлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳали-ҳануз тўлиқ англаб етганларича йўқ. Оқибатда суд орқали ҳал этиладиган масалалар юзасидан турли бошқарув идораларига қатнаб, қимматли вақтларини беҳуда ўтказмоқдалар. Улар тегишли қонун ҳужжатларини чуқур ва пухта билганларида бу каби овозгарчилликларга ўрин қолмаган бўларди.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқароларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, эркин меҳнат фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга оид қонун ҳужжатларини кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш ҳозирги кунда хар қачонгидан катта аҳамият касб этмоқда. Жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатнинг ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайитириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳадаги ислохотлардан кўзланган асосий мақсад эканлигини унутмаслик лозим.

МУНОСАБАТ

БЕМОРНИ СОҒАЙИБ КЕТИШГА ИШОНТИРА БИЛИШНИ ИСТАМАЙДИГАН ШИФОКОРНИНГ АЁВСИЗ ХУКМИ КАСАЛНИ БАЪЗАН АЖАЛ ДОМИГА КЕЛТИРИБ ҚЎЯДИ

Оқ халатдаги қора «доф»лар

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг Олий Мажлисидаги фракцияси аъзолари мамлакат соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни қўллаб-қувватлаш билан бирга соҳани янада ривожлантиришга қаратилган Президент Фармонлари, қарорлари ҳамда қабул қилинган қонунларнинг жойлардаги ижросини мунтазам назорат қилиб бораётганликлари бежиз эмас. Зеро, соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ муҳим ҳужжатлар ижроси тўғри йўлга қўйилгандагина кутилган самарани беради. O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши аъзоси Илҳом Насриев раҳбарлигидаги Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси ишчи гуруҳи аъзолари яқинда жойларда бўлиб, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдилар.

муассасаларида ўз малакасини ошириш. Бошқариладиган инфекцияларга қарши вакцинация ва ревакцинация топириқлари 95,6-99,5 фоиз қилиб бажарилган. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда ёлғиз, кекса ва ногирон кишиларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Ҳар йили улардан 30000 нафари тиббий кўриқдан ўтказилиб, амбулатор ва стационар шaroитда даволанапти. Ана шу каби профилактик тадбирларнинг самараси ўлароқ, республикамизда ўртача умр кўриш кейинги беш йил давомида 70 ёшдан 72,5 ёшга узайган.

Аммо танганинг иккинчи томони ҳам бор, деганларидек, даволаш-соғломлаштириш жараёнларида ўзибўларчилик, лоқайдлик, масъулиятсизлик ҳоллари ҳам йўл қўйлаётганлиги ачинарли ҳолатдир. Буни Олий Мажлисининг Меҳнат ва

да масъулиятсизликка йўл қўйишгани оқибатида 4 нафар фуқарога ОИВ вируслари юқтирилганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Афсуски, ҳаёл бошқа, ҳаёт бошқа экан. Буни бекорга таъкидлаётганимиз йўқ. Соғлиқни сақлаш ходимлари ўртасида ноқонуний хатти-ҳаракатлар камайиш ўрнига кўпайиб бораётганлиги гоят ачинарли ҳолатдир. Чиночи, 2004 йилда улар томонидан 91 та жиноят содир этилган бўлса, 2005 йилда 136 тани, жорий йилнинг беш ойи мобайнида 66 тани ташкил этган.

Давлатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни жадаллаштириш, даволаш-профилактика ишларини такомиллаштириш йўлида маблағни ҳам, имкониятларни ҳам аямаётгани. Ана шу мақсадларни қўзғаб, бюджет ҳисобидан йил сайин кўпроқ сармоя йўналтирилаётганлиги эътиборга лой-

лимлар билан қуролланган малакали кадрлар заҳирасини яратиш соҳадаги "оғрик"ли нуқталардан бири бўлиб қолмоқда. Зотан, бусиз кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди. Шунга қарамай, айрим вилоятларда профессионал кадрлар тайёрлаш, уларнинг тиббий саоводхонлигини ошириш бўйича етарли даражада иш олиб борилмапти. Биргина Сирдарё вилояти бўйича 101 нафар мутахассисга кучли эҳтиёж сезилмоқда. 2005-2006 йиллар мобайнида грант асосида тиббий институтларини биттирган ёшлар сони 15 нафарни ташкил этади, холос. Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш муассасаларида эса 1095 нафар мутахассиснинг ўрни бўш. Шундан 185 нафари врач-педиатр, 145 нафари терапевт, 122 нафари анестезиолог, 102 нафари эса врач-лаборантдир.

Айни кунда республикамиз ҳудудида урология, кўз микрохирургияси, кардиология ва жарроҳлик бўйича 4 та ихтисослаштирилган тиббий марказлар фаолият юритмоқда. Уларни зарур дори-дармон, тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш қонирлиги эмас. Буни республика урология маркази мисолида ҳам кўрсатилади. Марказда замонавий тиббий база шакллантирилмаган. Даволаш-профилактика ишлари ҳамон эскича усулларда олиб борилаётган. Бу ҳам етмаганидек, марказнинг собиқ раҳбари Д. Арустамов ўз вазифасини суиистемол қилиб, шифохонани ойига 3 млн. сўмдан ижара ҳақи тўлаш шарти билан "Уромед" хусусий фирмаси ихтиёрига ўтказган ва шу тариқа катта микродоғи давлат мулкнинг талон-тароғ этилишига йўл очиб берган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишнинг яхлит тизимини шакллантиришга катта аҳамият берилмоқда. Гап қишлоқ-врачлик пунктлари (КВП) ҳақида кетаётганини англаган бўлсангиз керак. Афтидан, жойларда бу муҳим ишни намунали ташкил этиш учун гайрат ва ташаббускорлик етишмаётган кўринади. Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги аҳолга бир назар ташлайтилик. Қуйичирчиқ туманида жойлашган мавжуд 17 та КВПда зарур дори воситаларининг 40-50 фоизигина мавжуд, холос. "Мингчинон" (Мудири Тиллабек Молдошев) шохобчасида эса бу рақам микродори 10 фоизга ҳам етмайди. Шокка қарши воситалардан суфиллин ва кордиамин мавжуд, холос. Қишлоқ-врачлик пунктларидаги 10 та ЭКГ ускунасида тўққизтаси (?) ишламайди — носоз. Эмлаш хонасининг санитария ҳолати таллабга жавоб бермайди. Янги йўл туманидаги "Навбахор" қишлоқ-врачлик пункти (мудири Махбуба Раҳматуллаева) ҳам ташвишли манзара ҳукмрон. Тиббий хизмат савияси паст. Дори воситалари таъминоти 30 фоизга ҳам етмайди. Ювенир учун сув йўқ.

Сирдарё вилояти, Гулистон туманида жойлашган Навойи номи КВП 1443 нафар аҳолига хизмат кўрсатади. Бу ерда 3-4 хилдаги дори воситалари мавжуд, холос. Даволаш-профилактика ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ходимларда касбий билим ва малака етишмайди. Қўлланилаётган айрим дори-дармонларнинг сифат сертификатлари йўқ. Музабод туманидаги "Деҳқонобод" қишлоқ-врачлик пункти фаолиятида ҳам шунга ўхшаш камчиликлар учрайди.

Хулоса қилиб шуну айтиш мумкинки, O'zLiDeP фракцияси аъзолари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларига биринчи даражада вазифа сифатида қараш лозимлигини амалий ишлари орқали исботлашмоқда. Бу соҳада хато-камчиликларга йўл қўймайлик учун эса амалдаги қонунларни пухта билиш ва уларга қатъий риоя этишининг ўзи кифоятдир.

Донолар топиб айтган: тозалик - саломатлик гаровидир. Афсуски, кўпинча бунга амал қилмаймиз. Лоқайдлик ва эътиборсизликнинг оқибати эса маълум...

Ранг кўр, ҳол сўр


■ Ҳа мухбиримиз

Самарқанд шаҳар, "Сўғдиёна" даҳаси, "Янгиобод" маҳалласидаги ахлатхона майдони кенгайгандан-кенгайиб, асло қайта қилинган бунга яққол мисолдир. Йўлак чиқиндилар билан тўлгани сабабли аҳоли ахлатхонани босиб ўтишга мажбур бўлмоқда. Икки йилдан бери аҳвол шундай. Маҳалла ҳудудида "Янгиобод Мамат", "Роббимова Зулфия", "Миносян Екатерина" сервисларини бирлаштирган "Темир" ширкати фаолият юритади. Айтишларича, айнан ушбу ширкат маҳалла ҳудудида тозалик ҳолатининг ёмонлашувига асосий сабабчи бўлмоқда. Биз ширкат ва маҳалла раҳбарларидан мавжуд ҳолатга изоҳ беришларини сўраганимизда, тайинли бир жавоб ололмадик. Ҳолбуки 2005 йил 29 январда ўтказилган кўшма йиғилиш баённомасида ахлатхонани тозалаш туриш тўғрисида қарор қабул қилинган ва бу вазифа "Темир" ширкати зиммасига юклатилган экан. Афсуски, қарор қоғозда қолиб кетмоқда.

"Янгиобод" маҳалласига хос бўлган қаровсизлик кейинги пайтда "Сўғдиёна" маҳалласига ҳам кўчгандек. Ахлат ва чиқиндилар ҳафталаб олинмаётгани эса одамларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Уларни зарур дори-дармон, тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш қонирлиги эмас. Буни республика урология маркази мисолида ҳам кўрсатилади. Марказда замонавий тиббий база шакллантирилмаган. Даволаш-профилактика ишлари ҳамон эскича усулларда олиб борилаётган. Бу ҳам етмаганидек, марказнинг собиқ раҳбари Д. Арустамов ўз вазифасини суиистемол қилиб, шифохонани ойига 3 млн. сўмдан ижара ҳақи тўлаш шарти билан "Уромед" хусусий фирмаси ихтиёрига ўтказган ва шу тариқа катта микродоғи давлат мулкнинг талон-тароғ этилишига йўл очиб берган.

Ажабмас, яқин кунларда ...



Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида "Ижодимиз ҳақида гапирсак" китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Мазкур китобнинг яратиш госяи Президент Ислам Каримовга тегишли бўлиб, Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Рассомларнинг ижодий тажрибалари нафақат ўрганиш ва кенг оммага тарғиб этишга муносиб, балки бўлажақ рассомларнинг шаклланишида, ёш томошабинларнинг эстетик дунёқарашини тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир".

Рассом ижоди сирлари

Ўзбекистон Бадий академияси академиги, санъатшунослик доктори Рафазл Токтош, фалсафа фанлари доктори, профессор Тилаб Маҳмудов, санъатшунослик номзоди Лариса Шостко ушбу китобнинг етакчи илмий маслаҳатчиларидир.

Нашрда 32 нафар рассом ва ҳайкалтарош ижодидан намуналар ўрин олган бўлиб, улар ўз касблари сирлари билан ўртоқлашганлар, ижодий жараёнинг нозик жиҳатлари, бўлғуси асар образини материалда акс эттириш, ифодалаш машаққатлари ҳақида фикр юритишган.

Муаллифлар ёрқин образ яратиш учун талабчан бўлиш, маҳорат, малака, савия устида тинимсиз изланиш, ўз ижодида танқидий ёндашиш гоят муҳим эканлигини алоҳида таъкидлашган.

Тақдимот маросимида тегишли соҳа мутасаддилари, хорижий давлатларнинг юртимиздаги элчилари ва ОАВ ходимлари иштирок этдилар. Тақдир давомида ижоди ушбу нашрдан ўрин олган рассом ва ҳайкалтарошларнинг асарлари кўргазмаси очилди.

ВАЗИЯТГА НАЗАР

■ Носир ТОШЕВ


Соғлом миллат соғлом фуқаролардан ташкил топади. Шу боис истиклолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда тиббий ислохотларга, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жойларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришга жиддий эътибор қаратилди. Бугунги кунга келиб, айни масала давлат сийсати даражасига кўтарилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мисол учун: "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги (1996 йил 29 август) қонунни олиб қўрайлик. Унда белгилаб қўйилган ҳуқуқий-меъёрий нормалар, тўла ишонч билан айтиш мумкинки, соғлиқни сақлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жойларда ўтказилаётган назорат-таҳлил жараёни тиббий хизмат сифатини яхшилаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганлигини кўрсатмоқда.

Зеро жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш жараёни инсон омили билан чамбарчас боғлиқдир. Шу боис соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, маънан бой, жисмонан баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишга ҳар қачонгидан катта аҳамият берилмоқда. Соғлом авлод миллат бахти, Ватан келажаги экан, зиммасида эртанги куннинг нечоғлик катта масъулияти турганини, бир дақиқа бўлса-да, унутмаслигимиз лозим.

Мамлакатимиз Президентининг "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида"ги (1998 йил 10 ноябрь), "Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (2003 йил 26 февраль) Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари соҳа тараққиёти учун кенг йўл очиб берди. Бу ҳайрли ишларнинг дебосчаси эди, холос. Ҳозирги кунда тиббиётта оид муносабатлар бир қатор муҳим ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинмоқда. "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида", "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида", "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида", "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида", "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги қонунлар ана шунлар жумласидандир. Албатта, уларнинг ижтимоий-сийсий аҳамияти ҳақида ҳар қанча сўз юритсак, шунча оз. Лекин асосийси бу эмас. Ҳар бир қонун ижроси билангина кучлидир.

Аваллабор, вазирлик тизимида "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги қонунни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан муайян чора-тадбирлар амалга оширилаётганини айтиб ўтиш жоиз. Ислохотлар самараси ўлароқ, даволаш-профилактика муассасаларининг



шарт-шароити яхшиланиб, тиббий хизматни ривожлантириш учун кўшимча имкониятлар вужудга келмоқда. Утган қисқа давр мобайнида мамлакат бўйича кенг миқёсда замонавий шошилинч ёрдам кўрсатиш тизими шакллантирилди, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишга ихтисослашган қишлоқ-врачлик пунктлари барпо этилди. Соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамон диққат марказидаги энг муҳим масалалардан бўлиб қолмоқда. Бунинг учун давлат бюджетини маблағларидан ташқари хорижий инвестициялардан ҳам фойдаланилмоқда. Ҳозирги кунда республика соғлиқни сақлаш тизимида жами 968 та турғун касалхона мавжуд бўлиб, улардаги ўринлар сони 135924 тани ташкил этади. Энг муҳими — ушбу шифо масканлари малакали мутахассислар билан таъминланган. 2005 йилнинг ўзида қишлоқ-врачлик пунктлари (КВП)ни шакллантириш учун 6 млрд. 300 млн. сўм маблағ сарфланди.

Барча соҳада бўлганидек, тиббий хизмат бозорига ҳам хусусий секторнинг мавқеи мустаҳкамланмоқда. "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги қонуннинг 10, 11, 42-моддаларига мувофиқ, 2002-2003 йиллар мобайнида 418 та юридик шахсга яқна тартибда фаолият юритиш учун лицензия берилган бўлса, 2005 йилга келиб, бу кўрсаткич 1196 тага етган. Оналар ва болалар ўғлимини қайта-қайта таъминлаш чоралар қўлланилмоқда. Утган йили 13212 нафар врач ва 59152 нафар ўрта тиббиёт ходими тегишли тиббиёт

ижтимоий масалалар кўмитаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги номига келиб тушаётган хат, ариза ва шикоятлардан ҳам кўриш мумкин.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Ғижувон тумани марказий маслаҳат поликлиникаси онколог Ш. Дулован ўз уйида шифохона очиб, ноқонуний фаолият билан шуғулланиб келган. 2002 йил 4 декабрь куну у фуқаро Р. Равшановни операция қилиш пайтида касбий хатолликка йўл қўйган ва унинг ўлимига сабабчи бўлган. Наманган вилоятидаги "Маскан-ун-наҳот" хусусий шифохона раҳбари А. Мирзаев ҳам шунга ўхшаш хатти-ҳаракатни содир этган. Яъни тангага гемодез препаратини ўтказиш жараёни назоратсиз қолдирилганлиги оқибатида бемор ҳаётдан кўз юмган...

Худди шундай лоқайдликни Хатирчи тумани шифохонаси ходими Б. Хусанов фаолиятида ҳам кузатиш мумкин. Унинг ўз ишига совуққонлиги оқибатида оғир аҳволдаги бемор С. Норимов рентген текширувидан ўтказилмаган ва унга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмаган. Оқибатда яна... Тошкент вилояти онкология диспансери шифокори А. Ҳамдамов эса бемор З. Ербековани тиббий кўриқдан ўтказиш пайтида нотўғри ташхис қўйган. Натихада аёлнинг чап кўкрак (сут) безини жарроҳлик йўли билан бутунлай олиб ташлашга тўри келган. Фаргона вилояти қон қуйиш ва ОИТСга қарши кураш марказлари ходимлари ОИВга дучор бўлган фуқаро Ю. Степановдан донорлик қонини олиб, уни лаборатория текширувидан ўтказиш-

икдир. Ҳўш, улардан ўз ўрнида фойдаланилаётганими? Афсуски, йўқ. Давлат томонидан ажратилган маблағларнинг бир қисми талон-тароғ қилинаётганлиги эса жиноятдан бошқа нарса эмас. 2005 йилда Сирдарё вилоятида 16 та, Фарғонада 14 та, Сурхондарё вилоятида 12 та ана шундай ноқонуний ҳолатлар содир этилган.

Маълумки, ҳозирги кунда одам аъзолари ва тўқималари трансплантацияси (кўчириб ўтказиш) билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинмаган бўлса-да, вазирлик томонидан 2003 йил 17 июнда республикада буйрак трансплантацияси хизматини ривожлантиришга оид 289-сонли буйрак чиқарилган ва унда операция амалиёти билан боғлиқ бир қатор тавсиялар илова қилинган. Аммо бу буйрак бирон-бир юридик кучга эга бўлмагани ҳамда "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонунга (2000 йил 14 декабрь) зид равишда давлат рўйхатидан ўтказилмагани етмагандек, вазирликнинг 1-клиникаси ҳузуридаги республика буйрак трансплантацияси марказининг ноқонуний фаолиятига йўл очиб берилган. Натихада бу ерда буйракни кўчириб ўтказиш бўйича йилгига ўртача 8-9 та операция амалга оширилган. Савол туғилади: нима, вазирлик буйрак амалдаги қонунлардан ҳам устунми? Касбга, бурчга, инсон тақдирини нисбатан бундай ўзбошимчилик ва масъулиятсизликни қандай баҳолаш керак?

Жойларда даволаш-профилактика ишлари самарадорлигини ошириш, замонавий би-

ФОТОАЙБНОМА

ТАҚДИМОТ

ДУНЁДАГИ барча халқлар ҳар
жиҳатдан теппа-тенг:
бири иккинчисидан ортиқ эмас

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БМТ

Ислоҳотлар чорраҳасида

ПАН ГИ МУН ГЛОБАЛ МУАММОЛАРНИ ЕЧИШДА «МУРОСА СИЁСАТИ» ДАН ВОЗ КЕЧМАСЛИККА ВАЪДА БЕРДИ

Мана, бир неча йилдирки, дунёдаги энг нуфузли ташкилот — БМТни ислоҳ қилиш масаласи кун тартибидан тушмаётир. XX асрнинг 90-йиллари ўрталаридан янги дунё тартиботига жавоб бера олмай қолган ташкилот таркибий тузилиши ва фаолиятини такомиллаштириш хусусида жуда кўп чақириқлар эшитила бошлади.

■ Абдували СОЙИБНАЗАРОВ, Шерзод ЭРАЛИЕВ

Буюк давлатлар ўз таъсир доирасини сақлаб қолиш учун уринаётган у ёки бу давлатга оид қарорлар қабул қилишда эскича услублардан қутула олмаган ва шу боис БМТнинг минтақавий можароларни тартибга солиш ва тинчлик ўрнатиш йўлидаги ишлари ҳамма вақт ҳам муваффақият келтирмапти. Бошқа томондан, халқро ҳамжамият қаршида диний экстремизм, фундаментализм ва террорчилик каби янгидан-янги таҳдид ва чақириқлар пайдо бўлдики, БМТ уни буткул бартараф этишда ожизлик қилмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон табиатан жаҳоншумул ва универсал бўлган мазкур ташкилотнинг Хавфсизлик Кенгашини жаҳон сиёсати ва иқтисодийтадаги таъсир кўлами ортиб бораётган Германия ва Япония каби давлатлар ҳисобига кенгайтириш ҳамда бош қотибга кенгроқ ваколатлар бериш тақлифи билан чиққанди ўшанда. Ҳозир бу ва бошқа тақлифлар халқро экспертлар томонидан чуқур ўрганилмоқда.


Дарҳақиқат, сўнгги 15 йил мобайнида ташкилот ўзининг замон талабларига жавоб бера олмаётганини кўрсатиб қўйди. 1994 йил Руандадаги миссиянинг мулк мағлубият билан туғиши БМТ тарихидаги биринчи «қора до»лардан бўлиб қолди. Руандада қиргин бошланганида, Бельгия тинчликпарвар кучлари кўмондони ташкилотдан қўшимча куч сўради. Бош қотиб эса уни мамлакатдан чиқариб олди. Шундан кейин давом этган қиргин оқибатида 800 минг киши қурбон бўлди.

БМТнинг минглаб одамлар ҳаётига зомин бўлган бошқа муваффақиятсизликлари ҳам бор: Сребреница, Ливан, Дарфур, Конго Демократик Республикаси ва бошқалар.

Унинг дунё бўйлаб тарқалган тинчликпарвар миссияларидаги аҳвол ҳам яхшимас. Олайлик: Ливандаги ҳарбий кузатувчилар Исроил ва «Ҳизбуллоҳ» ўртасидаги тўқнашувни тўхтатиб қололмадилар. Албатта, бунда АКШнинг Яқин Шарқ хусусида резолюция қабул қилинишига қарши чиқиши, аниқроғи — вето ҳуқуқидан фойдалангани ҳал қилувчи роль ўйнади.

Лекин шу ўринда БМТнинг интеграция соҳасидаги имкониятлари улкан эканлиги ва бўлдики, БМТ уни ихтисослаштирилган ташкилотлари муҳим роль ўйнаётганлигини таъкидламоқ жоиз. БМТнинг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Болаларга ёрдам жамгармаси (ЮНИСЕФ), фан, таълим, маданият масалалари билан шуғулланувчи муассасаси (ЮНЕСКО), Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури (БОД) каби ихтисослашган муассасалари сайёрамизнинг турли бурчакларидаги миллионлаб инсонларга ёрдам бермоқда. Биргина Угандада БОД миллионлаб фуқаролар, шу жумладан, 400 минг нафар мактаб ўқувчиларини боқмоқда. БМТсиз бу одамларнинг қурбон бўлиши ҳеч гап эмас эди. Демак, ташкилотдан воз кечиш эмас, аксинча, уни кучайтириш лозим.

Айни кунларда жаҳон жамоатчилигини ўйлантираётган мавзу битта, яъни БМТ янги бош қотиби дунёда тинчликни сақлаш ва хавфсизликни мустақамлаш ишига қай да-рижа ҳисса қўша олади? Хўш, дунёда Осиё давлатларининг овози тобора баланд янграётган бир пайтда айни қитъа вакили Пан Ги Мун БМТнинг янги бош қотиби сифатида сайёрамиз фуқаролари ва давлатларининг умидларини оқлай оладими? Маълумки, ўтган ҳафта Хавфсизлик Кенгаши ортидан



Бош Ассамблея аъзолари жа-нубий корейлик дипломат Пан Ги Мун номзоди учун овоз бердилар. 62 яшар Жанубий Корея ташкилотнинг вазири бўлиб келгани йил 1 январдан Бош қотиб лавозимини эгаллайди. Дипломатик фаолиятидаги энг нуфузли лавозимни эгаллаш учун курашда Мун жаноблари олти нафар рақибини ортада қолдириб кетди. Пан Ги Мун номзодини Ўзбекистон ҳам қўллаб-қувватлади. Негаки, у бизнинг стратегик ҳамкоримиз — Жанубий Корея вакилига эмас, Балаларга ёрдам жамгармаси (ЮНИСЕФ) билан Корея муносабатларини ривожлантириш, Осиё-Тинч океан минтақасида иқтисодий ҳам-корликни мустақамлаш, оммавий қиргин қуроллари тарқалишининг олдини олиш, Корея яриморлида мулоқот-чиларини боқмоқда. БМТсиз бу одамларнинг қурбон бўлиши ҳеч гап эмас эди. Демак, ташкилотдан воз кечиш эмас, аксинча, уни кучайтириш лозим.

2001 йилда Жанубий Корея БМТ Бош Ассамблеясининг 56-сессиясида раислик қилаётган пайтда Мун Ассамблея раиси девонининг раҳбари лавозимини эгаллади. Американинг 11 сентябрь кунги террорчилик содир этилган, у ҳақда раиснинг қарорини кескин қаролини резолюция матнининг муаллифларидан бири бўлди. Бунинг учун Вашингтон уни фахрий медаль билан тақдирлади. Ниҳоят, Пан Ги Мун ўз фаолиятидаги энг юқори лавозимга 2004 йил январда эришди. Шу пайтдан бери у Жанубий Корея ташкилотнинг вазири бўлиб келиб

келмоқда. Кўпчилик Пан Ги Мун мартабасидаги муваффақият сирини нимада эканлиги билан қизиқади. Аксарият кузатувчилар уни «муросалар устаси» деб ҳисоблайдилар. Ватанида уни зиддиятларни тинч ҳал қила олиш қобилияти учун қадрлашади. Дўстлари унга раҳбар учун зарур бўлган харижанинг бироз етишмаслигига эътибор қаратишади. Бироқ, корейлар айтганларидек, зарур бўлганда юздаги табассум ўз-ўзидан туғилади. Бош қотибликка номзоди кўйилганидан бундан Мун жаноблари халқро VIP-сайёҳга айланди. Жанубий Корея ташкилотнинг вазири асосан сайлов жараёнида овоз бериш имконига эга давлатларга ташриф буюришга ҳаракат қилганда, унинг айтиб ўтиш лозим. Бундан ташқари, расмий Сеул камбағал ва ривожланаётган давлатларга молиявий ёрдамни бир неча баробар кўпайтиришга ваъда берди. Масалан, Хавфсизлик Кенгашининг ҳозирги аъзоларидан бири — Танзанияга ташриф буюрганида, Пан Ги Мун ушбу мамлакат таълим дастурига 18 миллион доллар ажратилишини маълум қилди. Умуман олганда, Мун номзоди африкаликларга омад келтирди, дейиш мумкин. У 2008 йилда қитъанинг камбағал давлатларига молиявий ёрдамни уч баробарга — 100 миллион долларга етказишни тақлиф этди.

Пан Ги Мун ўзи ҳақида шундай дейди: «Ташқаридан мен юмшоқтабиат бўлиб кўри-нишим мумкин. Лекин менда

зарурат туғилганда ички қатъият бор. Мен доим қатъиятли бўлиб келганман». Бироқ БМТ доирасида у ўзига хос «муроса сиёсати»дан воз кечмаслигини билдирди. Узининг биринчи матбуот анжуманида Пан Ги Мун жаноблари лавозимини ижро этишга киришиши билан ҳамма вазибаларни юзакли дабдаларсиз, аммо синчковлик билан охиригача адо этишга ваъда берди. Осиё аъна-наси шундай, бу ҳол БМТда илдиш отиши керак, деди янги бош қотиб. Мазкур баёнот замирида биринчи навбатда ташкилотда ислоҳотлар ўтказишга қаратилган иш-тиришлар бор, дейиш мумкин. Пан Ги Муннинг айтишича, БМТ аппарати самарали бўлиши, бунинг учун у қисқартирилиши лозим. Албатта, бу — ташкилотнинг ички ишларига оид масала. Янги бош қотибнинг сиёсий ва глобал микёсда устувор санаётган мавзулар ҳам кўпчиликни қизиқтиради. У террорчиликка қарши кураш ва ташкилот доирасида мазкур ёвузликка қарши янада кўпроқ усулларни ишлаб чиқиш кераклигини эътироф этди. Қолаверса, у умуммиқёсдаги аксилтеррор конвенциясини имзолаш тарафдори бўлиб қолмай, XXI аср вабосига қарши курашда қўштарларни қўллаш сиёсатига қарши дипломат ҳамдир.

Пан Ги Мун жамоаси юқорида қайд этилган соҳаларда ҳали кўп ишлаши керак. У зиммасидаги масъулиятни қанчалик удралади оли-шини эса вақт кўрсатади.

ШРИ-ЛАНКА

Шри-Ланка шимоли-шарқда ҳарбий денгизчилар автокарвони ёнида террорчилар юк автомобилни портлатиб юборганликлари оқибатида камида 99 киши ҳалок бўлди, кўплаб кишилар жароҳатланди, деб хабар беради мамлакат Мудофаа вазири расмийлари.

Мудҳиш зўравонлик

Ҳодиса Хабарана шаҳри яқинида рўй берган бўлиб, ҳарбийлар «Тамил йўлбарслари» жангарилари билан бўлиб ўтган тўқнашувлардан кейин худудни тарқ этишга ҳозирлик қўраётган эдилар. Уйларида қайтаётган ҳарбий денгизчиларнинг автобуслари турган жойда портловчи моддалар тўлдирилган юк автомобили портлатиб юборилган. Маҳаллий полиция ходимининг хабар қилишича, ҳарбий автокарвондаги 15 автобусдан 13 тасига катта талофат етказилган. Маълумки, охириги пайтларда Шри-Ланкада ҳукумат кучлари билан «Тамил йўлбарслари» қуролли гуруҳи ўртасидаги тўқнашувлар янада кучайган ва бу портлаш ана шу низоларнинг оқибати бўлиши мумкин. Ҳарбийлар ва ҳукумат билан жангари гуруҳ ўртасидаги тинчлик битимини қўзатиб бораётган халқро назоратчилар шу йил бошидан бундан камида икки минг кишининг қурбон бўлганини айтмоқдалар. Кузатувчиларнинг фикрича, айирмачилар билан ҳукумат кучлари ўртасидаги зиддиятларнинг кучайиши шу ой охирида Женева шаҳрида ўтказилиши мўлжалланган тинчлик музокара-ларига зарар етказиши мумкин.

ИСРОИЛ

Исроил президенти Моша Кацав, агар зўрлаш ва ваколатларини суиистеъмол қилишда айбдор деб топилса, 16 йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилади. Кузатувчиларнинг фикрича, ана шу иш бўйича тергов якунланиб, йиғилган далиллар прокуратурага тақдим этилган.

Президентга жиддий айбловлар

Мазкур маҳмама энди уч ҳафта ичида президентга расмий айблов қўйиши ёки уни рад этиши керак, деб хабар беради Исроил радиоси. Айни жанжаллар соясида Кацав парламент сессиясининг очилиш маросимига боролмай, Исроил сиёсий аънасини бузди. Унинг укаси Лиор Кацав мамлакат радиосига берган интервьюсида Кнессетни жанжалга тортишга мақсадда президент уйда қолиши афзал билганини таъкидлади. Чунки илгирроқ амалдаги давлат раҳбари парламентда пайдо бўлса, кўплаб депутатлар мажлисини тарқ этишлари ҳақида таҳдид қилгандилар. Тергов ҳулосасига кўра, бир неча аёллар президент жинсий зўравонлигининг қурбонлари бўлишган. Бу борадаги тўполонлар икки нафар ходима 60 яшар сиёсатчини жинсий алоқа қилишга мажбурлашда айблаганидан сўнг авж олди. Бундан ташқари, президентни авф сўраб ёзилган аризаларни асоссиз равишда қондирганликда ва бунинг учун пора олганликда айблашаётир. Гарчи давлат раҳбари қамоқ жазосига ҳукм қилинса-да, сиёсий инқироз юзга келмайди. Гап шундаки, Исроилда президент реал ҳокимиятга эга эмас, фақат унинг маҳбусларни авф этиш ҳуқуқи бор.



ХОЛИС ФИКР

АҚШ

Океанорти мамлақати — АҚШда Конгрессга бошланган оралиқ сайловолди кураши жаҳон матбуотининг диққат марказига кўчди. Сиёсий курашга йирик давлат арбобларининг киришгани эса бу галги сайлов ҳар қачонгидан муросасиз кечишидан далолат бермоқда.



Мамлакатдаги иккита асо-сий сиёсий партиядан бири — демократлар конун чиқарувчи ҳокимиятдаги бундан 8 йил илгари бой берилган имкони-

Қалтис «ҳимоя» усули

возанатни сақлаб қолиш илжинидадир. Америка давлат раҳбарининг матбуот анжумани ўтказиши ҳам ноябр ойида бўладиган Конгрессга сайловларда Республикани қўллаётган партиясининг галаба қозонишига ёрдам беришига қаратилганини кузатувчилар бир овоздан таъкидламоқдалар. Президент ишончига кўра унинг мамыурияти нафақат иқтисодий ўсишга, балки миллатнинг хавфсизлигини таъминлашга ҳам эришиди. Таъкидлаш керакки, Жорж Бушнинг шу кунларда омма кўз ўнгига тез-тез пайдо бўлиши унинг жамоаси учун ўта муҳим. Негаки, 7 ноябрда белгиланган оралиқ сайловларга атиги уч ҳафта қолган бир пайтда республикачиларнинг ҳолати ҳавас қиларли даражада эмас. Конгрессмен Марк Фолнинг номақбул қилиқлари билан боғлиқ жанжал, Ироқдаги сиёсатнинг барбод бўлишида мамыуриятга қўйилаётган айбловлар ҳамда Шимолий Кореянинг

ядро синовларини ўтказиши Оқ уй муаммоларини янада чуқурлаштириб юборди. Демак, бундай аҳвол охири-оқибатда Конгресснинг ҳар иккала палатасида ҳукмронлик қилаётган Республикачилар партиясининг зоратини йўққа чиқаришга олиб келади. Демократлар эса тўлиқ галаба қозониш учун вакиллар палатасида республикачилардан 15, сенатда эса 6 та ўринни олиб қўйишлари кифоя қилади. Бундай мураккаб шароитда ҳам давлат раҳбари, ҳам партия етакчиси сифатида Жорж Буш сайловчиларни қизиқтираётган муҳим ҳаётий саволларга жавоб қайтариш, партиядошларини ҳимоя қилиш ва ўзининг тушиб бораётган рейтингини кўтаришга уриниб кўради. — Уйлайманки, республикачилар бўлғуси сайловда ютадилар. Конгресснинг ҳар иккала палатасидаги назоратни ҳам сақлаб қоламиз, чунки биз иқтисодийтада ҳам, хав-

фсизлик соҳасида ҳам тўғри иш олиб бораёلمиз, — деди давлат раҳбари. Афсуски, Жорж Бушнинг бундай ҳулосалари ижтимоий сўровлар руҳига асло мос келмайди. Newsweek журнали бюртмасига кўра ўтказилган тадқиқот натижаларига қараганда, сайловлар арафасида сайловчиларни ҳаммадан кўра Ироқдаги вазият қизиқтирар экан. Сўралганларнинг 33 фоизи шундай жавоб қайтаргани бунинг ёрқин далилидир. Иқтисодий аҳвол ва хавфсизлик билан боғлиқ масалалар атиги 20 ва 12 фоиз аҳолини қизиқти-раётгани маълум бўлди. Бутун матбуот анжумани мобайнида эса президент йиғилганларни асосий соҳаларда унинг мамыурияти катта ютуқларни қўлга киритганига ишонтириш учун уринди-ю, аммо Ироқ мавзуда кам га-пириб, эҳтиёткорроқ йўл ту-тишга мажбур бўлди. Гап шун-даки, анжуман бошланишидан бир неча соат олдин ўта но-

хуш воқеа юз берди: муста-қил комиссия Ироқдаги ҳар-бий операция қурбонлари сони тўғрисидаги маълумот-лар ўрин олган маърузани эълон қилди. Америка ва Ироқдаги гуманитар ташкилот-лар жамлаган бу маълумотлар 2003 йилнинг мартидан шу кунгача мамлакатда 655 минг нафар тинч аҳоли вакиллари қурбон бўлганидан далолат беради. Бу кўрсаткичлар Аме-рика мамыурияти расман тақ-дим этаётган рақамлардан 20 мартаба юқоридир. Жумла-дан, ярим йил муқаддам Жорж Буш ҳарбий амалиётлар 30-кунда ироқликлар талофати 30 минг кишига етганини айт-ганини бир эсга олайлик. Журналистлар томонидан кел-тирилган маълумотлар, таби-ийки, президентни ҳайратда қолдирди. «Тўғри, кўплаб ай-босиз одамлар ҳалок бўлди. Бу ҳол мени ташвишга ва қайғу-га солади. Лекин ким нима деб ўйламасин, 600 минг ра-қамига ишонмайман», — деди

Оқ уй раҳбари. Америка сайловчиларини доимо яна бир муҳим савол — мамлакат иқтисодийтадаги аҳволи қизиқтириб келган. Президент сайловида ҳам, Конгрессга ўтадиган сиёсий тадбирларда ҳам кимнинг галаба қозониши худди шу омилга боғлиқ бўлиб келган. Айтиш керакки, Қўшма Штат-лар иқтисодийта барибир яхши аҳволда қолаётганига журналистларни ишонтириш президент учун осон кечма-ди. Американинг омига ўрнашиб қолган андозаларга қараганда, барибир демократ-лар иқтисодийтада муваффақ-иятли сиёсат юритганлар. Ай-ниқса, Билл Клинтон Оқ уйни бюджет камомадсиз тарқ этиб, бундан амалда ис-ботлаган. Бироқ Жорж Буш бошқаруви ийилларида пайдо бўлган бюджет тақчиллигини ярмигача қисқартиришга эришганини таъкидлади.

(Мақолада АҚШ элчихонаси бошланишидан фойдаланилди.)

САЙЛОВ

СЎНГГИ САҲИФА

АҚЛ ирода йўлини ёритади,
ирода фаолиятни идора
қилади

АЙЁМ

«МУБОРАКНЕФТГАЗ» УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ



**Барча юртдошларимизни
муқаддас байрам —
Ийд Рамазон билан
самимий қутлайди.
Дилларга поклик,
саҳийлик улашувчи
қутлуғ айём барчага
муборак бўлсин!**

МУСОБАҚА

Журналистлар турнирида бош му-
қофот-1.500.000 сўм!

Газетанинг аввалги сониди шу йил-
нинг 26 октябрь-6 ноябрь кунлари пой-
тахтимиздаги "Истиклол" спорт маж-
муида "Спорт" ва "Ўзбекистон футбол-
ли" газеталари тахририяти соврини
учун республика журналистлари ўрта-
сида ўзбек футболнинг фидойиси
Олимжон Акбаров хотирасига бағиш-
ланган минифутбол бўйича 2-анъанавий турнир ўтказили-
ши ҳақида хабар берилганди.



Куни-кеча мусобақа ташкилотчилари ҳамда турнирда
қатнашиши кутилаётган ОАВ ходимлари иштирокида йи-
гилиш бўлиб ўтди. Унда аввал мусобақа Низомии билан та-
нишиб чиққан журналистларга ғолибликни қўлга киритган
жамоа 1,5 миллион сўм, иккинчи ва учинчи ўринни эгал-
лаган хаваскорлар тегишли равишда 1 миллион ва 700
000 сўм миқдоридagi пул муқофотлари, шунингдек, ку-
бок, медаллар ва махсус дипломлар билан тақдирланиши
маълум қилинди. Ундан ташқари, "Томошабин меҳрини
қозонган жамоа", "Энг яхши ўйинчи", "Моҳир тўпурар",
"Ғалабага бўлган иштиқоқ учун" каби таъсис этилган ўндан
ортиқ номинациялар бўйича 150 000 дан 500 000 сўмгача
пул муқофотлари таъсис этилганлиги таъкидланди.

Эслатиб ўтиш жоиз: мусобақада иштирок этмоқчи
бўлган ОАВ жамоалари тегишли буюртномаларни 20
октябрга қадар "Спорт" тахририятига тақдим этиш-
лари лозим.

Маълумот учун телефонлар:
144-17-37, 396-39-49. Факс: 393-19-59.

БИЗНЕС-БАШОРАТ

23 - 29 октябрь

ҚҲЙ. Ҳафта бошида соғлиқ билан боғлиқ муаммо-
ларга дуч келишингиз мумкин. Чоршанбадан бош-
лаб ҳафта охирига қадар омад сезингиз томонин-
гизда бўлади. Ана шу муддат мобайнида кўнглин-
гизга яқин инсон билан муносабатларни яхшила-
шингиз, иш борасида ғоят манфаатли таклифлар
тушиши кутилмоқда.

БҲЗОҚ. Пайшанба кунига қадар маълум сабаблар-
га қўра бир неча маротаба қолдирилган иши-
нгизни битирингиз, ундан ташқари, узоқ қариндош-
ларингиз билан борди-келдини тиклашга эриша-
сиз. Жума кунини яқин танишларингиз учун дастур-
хон ёзиб, кичкина зиёфат уюштиришингиз эҳти-
моли бор.

ЭҒИЗАКЛАР. Ҳафта давомида қилиниши лозим
бўлган ишларингиз ҳаддан зиёд кўпайиб кетса-да,
саломатлигингизни тиклаш учун вақт ажратишни
унутманг. Кўп нарсани ҳал этадиган муҳим учра-
шувларни шанба кунига белгилашингиз маъқул.

ҚИСҚИЧБАҚА. Бирон ишга қўл ургач, уни бити-
риш учун аниқ ҳисоб-китоб асосида тузилган ре-
жага эмас, ички овозингизга қўлоқ тутишга ҳара-
кат қилинг. Ўшандагина душанба куниниқ зимман-
гиздаги вазибаларни бажаришга, пайшанба
кунини эса фойдали харидлар қилишга эришасиз.

АРСЛОН. Келаси ҳафтадан "арслон"лар учун туб
ўзгаришлар мавсуми бошланиши кутилмоқда.
Жумладан, сешанба ва чоршанба кунлари ушбу
бурж вақиллари ишхоналари учун ажратилган
янги-бинога кўчиш, уйлари учун эса янги меҳел
сотиб олиш имкониятига эга бўладилар.

ПАЗИЗОД. Ҳафтанинг дастлабки кунларида оила
аъзоларингизнинг муаммоларини ҳал қилишга
эришасиз. Ойнинг 20-саналарига мўлжалланган
кимматли кийим-кечак ёхуд асбоб-усуналар хар-
ид қилишни кейинроққа қолдирганингиз маъқул.

ТАРОЗИ. Чоршанба кунини шахсий ҳаётингизда ул-
кан ютуқларни қўлга киритишингиз кутилмоқда. Бу
эса, ўз навбатида, ишингиздаги самарадорлик-
нинг ошишига сабаб бўлади. Ойнинг 20-21-сана-
ларида молиявий аҳолингизни яхшилаб олиш
учун қўлай имконият туғилади.

ЧАЁН. Душанба кунини фаоллигингиз ошириб, режалаш-
тирган ишларингизни икки баробар қилиб бажари-
шига эришасиз. Фирибгарларнинг домига туш-
май, десангиз, ҳафтанинг иккинчи ярмида муҳим
ҳужжатларни имзоламанг. Яқинбадани оилангиз
даврасида ўтказасиз.

ЎҚОТАР. Яқинларингизнинг сешанба кунидидаги ноў-
рин ҳаракатлари кайфиятингизни кескин туши-
риб юборса-да, ишингиздаги муваффақиятлар
барча гина-қудратларингиз унутилишига сабаб
бўлади. Шунга қарамай, эришилган кичик ютуқлар-
дан кеккайиб кетманг. Аксинча, доимо ўзингизга
танқидий кўз билан қаранг.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Ҳафтанинг дастлабки кунларида, ило-
жи бўлса, серкатнов автомобиль йўллари, шунин-
гдек, қурилиш ишлари олиб борилаётган майдон-
ларда хушёрроқ юринг. Шанба кунини, нима бўлган-
да ҳам, мартабали кишилар билан олиб борила-
диган музокаралар давомида суҳбатдошларингиз
фиқрларини маъқулланг.

ҚОВГА. Сезгирроқ бўлинг. Акс ҳолда, шахсий му-
аммоларга ўралашиб қолиб, корхонангиздаги асо-
сий иш жараёнига путур етиши мумкин. Мабодо,
мушкул вазиятга тушиб қолсангиз, муаммоларин-
гизни яқин дўстларингиз ёрдамида ҳал қилиш пай-
ида бўлинг. Жума кунини топшириққа масъулият ва
ҳақсала билан ёндашинг.

БАЛИҚ. Ҳар томонлама омадли ҳафтани бошдан
кечирасиз. Авваламбор, беш-ўн кун аввал олган му-
олажаларингиз самара бергач, ўзингизни яқин
ҳис қила болайсиз. Ундан ташқари, ишда ва
шахсий ҳаётда, таълим олиш, савдо-сотик соҳа-
ларида катта ютуқларга эришасиз.

ШАХМАТ

Тож учун кураш давом этадимми?

Ўтган жумада Қалмоқ Республикаси
пойтахти — Элиста шахрида шахмат
бўйича жаҳоннинг мутлақ чемпионини
аниқлаб берган матчида якуний
партияси ўйналди.

Шухрат Хўжаев

Унда Жаҳон шахмат
кенгаши томонидан бор-
йўғи бир маротаба ўтка-
зилган жаҳон чемпионати-
нинг ягона ғолиби — рос-
сиялик гроссмейстер Вла-
димир Крамник ҳамюрти-
миз Рустам Қосимжонов-
нинг издоши сифатида Ха-
лқаро шахмат федерация-
си (ФИДЕ) йўналиши
бўйича 2005 йилда чемпи-
он бўлган болгариялик Ве-
селин Топаловга қарши
дона сурди.

Ун икки партиядан
иборат асосий баҳслар 6:6
ҳисобда якун топган
бўлса, тай-брекда росси-
ялик шахматчининг қўли
баланд келди — 2,5:1,5.
Шундан сўнг В.Крамник
ФИДЕ йўналиши бўйича
жаҳоннинг 19-чемпиони
деб эълон қилинди.

Аҳамиятли томони
шундаки, яқинда кунини
болгариялик спортчининг
менежери Сильвио Дана-
илов "В.Топалов жавоб уч-
рашувини ўтказишга

ҳаққи бор" деган сўзлар
битилган баёноти тарқат-
ди. "Регламентга кўра,
рейтинг бўйича 2700 очко
тўплаган ҳар бир гроссмей-
стер муқофот маблағини
ҳамда ФИДЕнинг 20 физи-
ли улушини тўлаш, ундан
ташқари, матчни ташкил-
лаштиришга кетадиган хар-
ражатларни қоплаш шар-
ти билан жаҳон чемпиони-
ни курашга чорлаши мум-
кин", — деди С. Данаилов.

Душанба кунини мазкур
муражаатга муносабат бил-
дирган ФИДЕ президенти
Кирсан Илюмжинов
ҳақиқатан ҳам Топаловда
жавоб учрашувни ўтказиш
хуқуқи борлигини, бунинг
учун эса молиявий кафолат
сифатида 1,5 миллион
евро тақдим этиши керак-
лигини айтди. Эслатиб
ўтиш жоиз: Қалмоқ элида
ўтказилган матчининг муқо-
фот жамғармаси бир мил-
лион АҚШ долларини таш-
кил этган, ва бу маблағ ав-
вал маълум қилинганидек,
учрашувда қандай натижа
қайд этилишидан қатъий



назар, шахматчилар ўрта-
сида тенг бўлинганди.
Кўришиб турибдики, жавоб
учрашувини ўтказиш учун
Топалов биринчи матчида
кўрган фойдасига нисбатан
турт баробар кўп харажат
қилиши лозим.

Крамник ушбу хабарга
нисбатан шу пайтга қадар
ўз муносабатини билдир-
маган бўлса-да, сўнгги уч-
рашувдан сўнг Топаловга
қарши бошқа дона суриш
истаги йўқлигига шаъма
қилиб, мазкур ғалабага

қийинчилик билан эриш-
ганини, Элистани ниҳоятда
чарчаган ҳолда тарк этаёт-
ганини айтди.

Нима бўлганда ҳам,
ФИДЕ раҳбарияти болга-
риялик шахматчи штаби
томонидан ҳеч қандай рас-
мий ҳужжат олманг, беш-
кача қилиб айтганда, Топал-
лов ўз унвонини қайтариб
олиш йўлидаги истагини
ифодалаш учун ҳозирча
факат менежерининг оғза-
ки муражаоти билан чек-
ланиб қолмоқда.

Шу ўринда Элистадаги
учрашувдан аввал 2813 оч-
кога эга бўлган Топалов
октябрь ойи рейтингининг
биринчи погонасини эгал-
лаб турганини, 2779 очко
тўплаган ҳиндистонлик
шахматчи Вишванатан
Ананд иккинчи, Крамник
эса учинчи (2750) ўрин-
ларни эгаллаганликлари-
ни айтиш мумкин. 36-по-
ғонада бораётган ўзбеки-
стонлик гроссмейстер
Қосимжонов ҳисобида
2672 очко бор.

ЭКОЛОГИЯ

Нил сув манбаидан айрилмоқда

"Агар хавф бартараф этилмаса,
Килиманжаро ҳамда Кения музликларидан
тўйнайдиган йирик дарёларда сув
сатҳининг кескин пасайиши, кичик
ирмоқларнинг эса бутунлай йўқ бўлиб
қетиши мумкин", — деди ўтган ҳафтада
Найробида бўлиб ўтган метеорологлар
анжуманида сўзга чиққан Кения Атроф-
муҳитни муҳофаза қилиш жамияти фаоли
Фредерик Ньяуа.



Гап шундаки, Қора
китъанинг энг баланд
нуқтаси — Килиманжаро
шу кунгача муздан
иборат "шапка"сининг
82 фоиз қисмини
йўқотган бўлса, эква-
тор чизигида жойлаш-
ганига қарамай, дои-
мий муз қопламасига
эга Кениянинг 92 фоиз
яхи эриб кетган.

"Аҳвол ўзгармаса,
қарийб 80 йилдан буюн
эриётган Килиманжаро
ва юз йилдан бери
ҳажми тобора кичрай-
иб бораётган Кения
тоғлари 25-30 йилдан
сўнг қорсиз қолади, —
дея таъкидлади олим.
— Бу эса шу музлик-
лардан сув оладиган
дарёлар, жумладан,
Конго ва Нил учун ҳало-
қат билан баробар-
дир".
Ньяуа эътироф эти-
шича, музликлар эриб

боришининг асосий
сабаби минтақа
ўрмонларининг бетар-
тиб равишда кесиб
ташланганлигидадир.
Зеро, ўрмон билан қоп-
ланган ҳудудларнинг
камийиши оқибатида
атмосферага ажрала-
диган намликнинг миқ-
дори ҳам камаяди.
Муз қопламалари ай-
нан ана шу намлик бил-
ан "озикланади". Ке-
силган ўрмондан қол-
ган ялангликлар эса,
аксинча, қизиган товоқ
сингари ҳароратнинг
кўтарилишига олиб
қелади.

Маълум қилиниши-
ча, Кениянинг табиати
ни муҳофаза қилиш
билан шуғулланувчи
ташкilotлари ва Жа-
ҳон банки томонидан
мазкур жараёни
тўхтатиш мумкин
бўлган лойиҳа ишлаб

чиқилган. Унга кўра,
банк ажратган молия-
вий кредит ҳисобига
мамлакат ҳукумати
йўқотилган ўрмонлар
ўрнида янги кўчатлар-
ни экиши керак.
Олимларнинг ҳисоб-
китоби бўйича тикла-
надиган ўрмон 2017
йилга қадар 800 минг
тонна қарбонат анги-
рид газини қайта иш-
лаш имконига эга
бўлади.

Шунга қарамай, аф-
суски, экологлар маз-
кур лойиҳаларни амал-
га татбиқ этиш билан
музликларнинг эриши-
ни тўхтатиши кафо-
латлаб бўлмаганини
айтишмоқда. Зеро
кўрилатган чора-тад-
бирлар табиатнинг
глобал жараёнларига
деярли таъсир қил-
майди.

ҚУТЛОВ

ЯКУНИЙ УЧРАШУВ

ДОЛЗАРЬ МАВЗУ

«ПАХТА БАНК»
ФАРОВОНЛИГИНГIZ КАЛИТБИДИ!

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ
КЕНГАШ РАИСИ
Муҳаммадсўф
ТЕШАБОВ
КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ
Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
Аҳмад ШАДМАНОВ
Ақром АЛИМОВ
Маҳаматжон
АҲМЕДЖАНОВ
Муҳаммадилхом
ЙҮЛДОШЕВ
Бахтиёр ҒУБОВ
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Илхом НАСРИЕВ
Маъруфжон УСМОНОВ
Мансур ЗОКИРОВ
Мухлис АКРАМОВА
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
Равшан ОХУНОВ
Раҳматилло КАМОЛОВ
Сирожиддин САЙИД
Шухрат НОРИТОВ
Шухрат ОРИПОВ
Киёмиддин НАЗАРОВ
Қобилжон ТОШМАТОВ
Туланбой КАРИМОВ
Эркин ТОШЕВ
ТАХРИРИЯТ
Абдували СОЙИБНАЗАРОВ
Маркс ЮСУПОВ
Зумрад АБРОРОВА
Носир ТОШЕВ
Ориф УЛМАСОВ
Тоҳир МАЛИК
Темур АБДУРАҲМОНОВ
Тоҳир МИРХОДИЕВ
Улугбек ЮСУПОВ
Халима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Холмўмин
МАМАТРАЙИМОВ
МАТН ТЕРУВЧИЛАР
Нигора ЖҲРАЕВА
Замира АҲМЕДОВА
БҮЛИМЛАР
КОТИБИАТ
361-40-17
ПАРТИЯ ТУРМУШИ
55-45-08
ИҚТИСОДИЕТ ВА
ТАДБИҚРОЛЛИК
ФАОЛИЯТИ
55-43-57
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР
ВА ПАРЛАМЕНТ
ФАОЛИЯТИ
361-30-45
МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА
САНЪАТ
361-21-31
ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР
ВА ТАҲЛИЛ
361-31-16
ФАКС: 361-33-80
Навбатчилар:
А. СОЙИБНАЗАРОВ,
К. ҚҮЛДОШЕВ.
«Шарк» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида chop этилди.
Корхона мавзиси: Тошкент шаҳри,
«Буёқ Тўрон» кўчаси, 41.
Буюртама рақами: Г-1267
Тиражи: 11947
[PR] - тижорат белгиси
МУАССИС: Тадбиркорлар
ва ишбилармонлар ҳаракати
- Ўзбекистон Либерал-
демократик партияси.
«XXI ASR» иктимойий-сиёсий
газетаси Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2003 йил 18
декабрда 028 рақами билан
рўйхатдан ўтган.
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент, «Нукус» кўчаси,
73-уй.
ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:
axborot@21asr@yahoo.com
XXI_ASR@yahoo.com
XXI_ASR@tdoda.uz
© XXI ASR ундан оллинган
маълумотларда манба
сифатида
газета номи кўрсатилиши
шарт.
Муаллифлар фикри
тахририят нукати назаридан
фарқ қилиши мумкин.
НАШР
КЎРСАТКИЧИ: 406
БОШ МУҲАРРИР
Миродил
АБДУРАҲМОНОВ
ASR
БИЗНЕС
ХАМКОРЛАРИМИЗ
ASR
НОШИРЛИК УЙИ
ТЕЛ: 79-28-71;
361-33-80
Mila
PRESS
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
Тел: (098-71)361-49-52
E-mail: milapress@yahoo.com